

**БОЛАЛАР КАСАЛЛИКЛАРИНИ  
ИНТЕГРИРЛАШГАН УСУЛДА  
ОЛИБ БОРИШ**

**2 ОЙЛИККАЧА БЎЛГАН  
БЕМОР ГЎДАКНИ ОЛИБ БОРИШ**

**Жаҳон Соғлиқни Сақлаш  
Ташкилоти, Бола соғлиги ва  
Ривожланиш бўлими (СНД).  
Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

**ЮНИСЕФ**

**Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти 1998**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ  
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ  
ИЛМИЙ -АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

ЎзР ССВ Фағ ва ўқув юртлари  
бош боткетмаси боғлиги  
т.ф.д. У.С.Исмаилов  
2013 й. «19 » 2013  
№ 5 бажнома



“КЕЛИШИЛДИ”

ЎзР ССВ Тиббий таълимни  
ривожлантириш маркази  
директори  
М.Х. Алимова  
2013 й. «22 » 2013  
№ 5 бажнома



Болалар касалликларини интегрирашган усулда  
олиб бориш

2 ОЙЛИККАЧА БЎЛГАН  
БЕМОР ГЎДАКНИ ОЛИБ БОРИШ

Болалар касалликларини интегрирашган усулда олиб бориш  
бўйича  
ЖССТ томонидан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси  
мутахассислари томонидан мослаштирилган

ЎҚУВ КУРСИ



Тошкент 2013

## Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти 1998

Ушбу хужжат кенг омма учун чоп этишига мўлжалланмаган бўлиб, барча ҳуқуқлар Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотига тегишилдири. (ЖССТ). Ушбу хужжат ЖССТ-нинг олдиндан берилган ёзма рухсатисиз тўлиқ ёки қисман таржима этилиши, эркин ҳолда тўпламлар ва рефератлар учун фойдаланилиши мумкин эмас. Ушбу хужжатнинг бирорта қисми ҳам, ЖССТ-нинг олдиндан берилган рухсатисиз, маълумотлар базасида сақланиши, ёки барча-механик, электрон ёки бошқа йуллар билан узатилиши мумкин эмас.

«Болалар касалликларини интегрирлашган усулда олиб бориш» ўкув курси Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг Бола Соғлиги ва Ривожланиш Бўлими (СНД) ва ЮНИСЕФ томонидан ACT International, Атланта, Жоржия, АҚШ, билан шартнома асосида тайёрланган.

Ушбу қўлланма, Болалар касалликларини интегрирлашган усулда олиб бориш стратегияси бўйича миллий тренерлар т.ф.д. З.Е. Умарназарова, т.ф.д. И.М. Ахмедова, т.ф.н. Г.Б. Утепова томонидан матнлар асосида қайтадан ЖССТ охирги тавсиялари асосида янгиланди ва қайта чоп этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти).

Ўкув курси бирламчи бўғин тизими, болалар тиббиёт муассасалари, шунингдек тиббиёт олий ўкув юртлари, ўрта маҳсус ўкув юртлари ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ўкув дастурларига киритиш учун мўлжалланган.

Тақризчилар: Э.А. Шомансурова, т.ф.д., ТошПТИнинг амбулатория тиббиёти кафедраси мудири  
К.Ш. Салихова, т.ф.н. ЎзРССВ РИПИАТ Маркази илмий-ишлар бўйича директор муовини  
Ўкув курси ЎзР ССВ РИПИАТ Марказида 2013 йил 14 мартағи Илмий Кенгашида кўриб чиқилди ва тасдиқланди, 3-мажлис баённомаси.

Илмий котиба т.ф.н.



Д.С. Арипова

## МУНДАРИЖА

<b>МУҚАДДИМА.....</b>	<b>6</b>
<b>1.0. БЕМОР ГҮДАКНИ БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ .....</b>	<b>8</b>
<b>1.1. БЕМОР ГҮДАКДА ЎТА ОФИР КАСАЛЛИК ЁКИ МАҲАЛЛИЙ БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯ БЎЛИШИ МУМКИН, ИЗЛАБ КЎРИНГ .....</b>	<b>8</b>
<b>МАШҚ А.....</b>	<b>12</b>
<b>1.2. БАРЧА БЕМОР ГҮДАКЛАРНИ ЎТА ОФИР КАСАЛЛИК ВА МАҲАЛЛИЙ БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯ БЎЙИЧА ТАСНИФЛАНГ .....</b>	<b>13</b>
<b>1.3. САРИҚЛИКНИ БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ .....</b>	<b>15</b>
<b>1.4. ДИАРЕЯНИ БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ .....</b>	<b>17</b>
<b>МАШҚ Б .....</b>	<b>19</b>
<b>1.5. СЎНГРА, ОВҚАТЛАНИШ МУАММОЛАРИ ЁКИ КАМВАЗНЛИК БОРМИ, ТЕКШИРИБ КЎРИНГ .....</b>	<b>22</b>
<b>1.5.1. БОЛАНИНГ ОВҚАТЛАНИШИ ВА ВАЗННИНГ ЁШИГА МОСЛИГИНИ АНИҚЛАНГ. ОФИЗДА ОҚАРИШ (МОЛОЧНИЦА) БОР ЁКИ ЙЎҚЛИГИНИ АНИҚЛАНГ .....</b>	<b>23</b>
<b>1.5.2. БОЛАНИНГ ЭМИЗИЛИШИНИ БАҲОЛАНГ .....</b>	<b>25</b>
<b>МАШҚ В .....</b>	<b>28</b>
<b>МАШҚ Г .....</b>	<b>30</b>
<b>1.6. БОЛАНИНГ ОВҚАТЛАНИШИНИ ВА КАМВАЗНЛИКНИ ТАСНИФЛАНГ .....</b>	<b>32</b>
<b>1.7. СЎНГРА ГҮДАКНИНГ ЭМЛАНГАНЛИК ҲОЛАТИНИ ТЕКШИРИБ КЎРИНГ ВА ХАВФСИЗ ИММУНИЗАЦИЯНИ ТАЪМИНЛАНГ .....</b>	<b>33</b>
<b>1.8. БОШҚА МУАММОЛАРНИ БАҲОЛАНГ .....</b>	<b>33</b>
<b>МАШҚ Д .....</b>	<b>35</b>
<b>2.0. ТЎҒРИ КЕЛАДИГАН ДАВОНИ БЕЛГИЛАНГ .....</b>	<b>38</b>
<b>2.1. ГҮДАК ЗУДЛИК БИЛАН КАСАЛХОНАГА ЮБОРИШГА МУҲТОЖМИ, АНИҚЛАНГ .....</b>	<b>38</b>
<b>2.2. ЗУДЛИК БИЛАН КАСАЛХОНАГА ЮБОРИШГА МУҲТОЖ БЎЛМАГАН ГҮДАК УЧУН ДАВО БЕЛГИЛАНГ .....</b>	<b>38</b>
<b>2.3. ГҮДАКНИ КАСАЛХОНАГА ЮБОРИШДАН ОЛДИН ҚИЛИНИШИ КЕРАК БЎЛГАН ШОШИЛИНЧ ДАВОНИ БЕЛГИЛАНГ .....</b>	<b>38</b>
<b>2.4. БОЛАНИ КАСАЛХОНАГА ЮБОРИШДАН ОЛДИН ҚИЛИНИШИ КЕРАК БЎЛГАН ШОШИЛИНЧ ДАВОНИ ЎТКАЗИНГ .....</b>	<b>39</b>
<b>2.5. ГҮДАКНИ КАСАЛХОНАГА ЮБОРИНГ .....</b>	<b>40</b>
<b>3.0. КАСАЛ ГҮДАКНИ ДАВОЛАНГ ВА ОНАГА МАСЛАҲАТЛАР БЕРИНГ .....</b>	<b>41</b>
<b>3.1. ИЧИЛАДИГАН АНТИБАКТЕРИАЛ ПРЕПАРАТНИНГ ТЎҒРИ КЕЛАДИГАНИНИ БЕРИНГ .....</b>	<b>41</b>
<b>3.2. МУСКУЛЛАР ОРАСИГА ЮБОРИЛАДИГАН АНТИБИОТИКЛАРНИНГ БИРИНЧИ ДОЗАСИНИ БЕРИНГ .....</b>	<b>42</b>
<b>3.3. САРҒАЙИШНИ ДАВОЛАНГ .....</b>	<b>43</b>
<b>МАШҚ Е .....</b>	<b>44</b>
<b>3.4. ДИАРЕЯГА ДАВО ҚИЛИШ УЧУН – БОЛАНИ ДАВОЛАНГ СХЕМАСИГА ҚАРАНГ .....</b>	<b>45</b>
<b>3.5. ҲАР БИР ГҮДАКНИ ТЕГИШЛИЧА ЭМЛАНГ .....</b>	<b>45</b>
<b>3.6. МАҲАЛЛИЙ ИНФЕКЦИЯНИ УЙДА ДАВОЛАШНИ ОНАГА ЎРГАТИНГ .....</b>	<b>46</b>
<b>3.7. БОЛАНИ ТЎҒРИ ҲОЛАТДА ТУТИБ, КЎҚРАК БЕРИШГА ОНАНИ ЎРГАТИНГ .....</b>	<b>47</b>
<b>3.8. ОНАНИ КЎҚРАК СУТИНИ СОҒИШГА ЎРГАТИНГ .....</b>	<b>49</b>
<b>3.9. ОНАНИ ПИЁЛАДА ОВҚАТЛАНТИРИШГА ЎРГАТИНГ .....</b>	<b>51</b>

<b>3.10. КАМВАЗИЛИ ГҮДАКНИ УЙДА ҚАНДАЙ ИСИТИШ КЕРАКЛИГИГА ОНАНИ ЎРГАТИНГ .....</b>	<b>52</b>
<b>МАШҚ Ж.....</b>	<b>54</b>
<b>3.11. БОЛАГА УЙДА ПАРВАРИШ ҚИЛИШ ЮЗАСИДАН ОНАГА МАСЛАҲАТ БЕРИНГ .....</b>	<b>56</b>
<b>3 - МАШҚ .....</b>	<b>57</b>
<b>4.0. БЕМОР ГҮДАКДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ .....</b>	<b>59</b>
<b>4.1. МАҲАЛЛИЙ БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ .....</b>	<b>60</b>
<b>4.2. САРИКЛИКДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ .....</b>	<b>60</b>
<b>4.3. ДИАРЕЯДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ .....</b>	<b>61</b>
<b>4.4. ОВҚАТЛАНИШ МУАММОЛАРИ БИЛАН КЕЛГАН ГҮДАКДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ .....</b>	<b>61</b>
<b>4.5. ВАЗНИ ЁШИ УЧУН КАМ БЎЛГАНДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ .....</b>	<b>62</b>
<b>4.6. ОФИЗ ОҚАРМАСИДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ .....</b>	<b>63</b>
<b>МАШҚ И.....</b>	<b>64</b>
<b>1-ИЛОВА – 2 ОЙГАЧА БЎЛГАН КАСАЛ ГҮДАКНИ ОЛИБ БОРИШ.....</b>	<b>66</b>
<b>2-ИЛОВА – КАСАЛХОНАГА ЁТҚИЗИШНИНГ ИМКОНИ БЎЛМАСА.....</b>	<b>68</b>

## МУҚАДДИМА

Бу модулда Сиз 2 ойликкача бўлган касал гўдакни олиб боришни билиб оласиз. Модул дастлабки 4 хафтадан иборат бўлган неонатал даврни ўз ичига олади. Ушбу модул Сиз ўрганиб чиқкан 2 ойликдан 5 ёшгача бўлган касал болани олиб бориш ўқиш жараёнига жуда ўхшаш. Бу жараённинг босқичлари битта схемада келтирилган:

Баҳоланг  
Таснифланг  
Даволанг  
Онага маслаҳат беринг  
Кейинги кузатувни олиб боринг

Икки ойгача гўдаклар касалликларини таснифлашда шу тоифадаги болаларга хос бўлган алоҳида хусусиятларни ҳисобга олмоқ зарур. Чақалоқ бола ҳаётининг дастлабки кунларидан одатда туғруқ вақтида юзага келган муаммолар ёки маҳсус давони талаб қиласидан муаммолар туфайли касал бўлиб қолади. Уларда аксари, масалан, кам ҳаракатлик, иситма ёки тана ҳароратининг пастлиги сингари умумий белгиларгина бўлади, холос. Кўқрак қафасининг салсал ичга тортилиб туриши гўдакларда одатдаги ҳодиса бўлиб ҳисобланади, чунки уларда кўқрак қафасининг девори юмшоқ бўлади. Шу муносабат билан Сиз бемор гўдакларнинг аҳволига баҳо бериш, улардаги касалликни таснифлаш ва даволаш ишларига каттароқ ёшдаги болалардагидан кўра сал бошқачароқ ёндошишингиз керак. Гўдакларнинг аҳволига баҳо бериш, улардаги касалликни таснифлаш ва даволашнинг маҳсус белгилари *КАСАЛ ГЎДАК* схемасида санаб ўтилган.

Гўдаклар жиддий бактериал инфекциялар билан тезда оғриб қолиши ва нобуд бўлиб қолишлари мумкин\*. Касал чақалоқларни даволаш учун бу схемадан фойдаланилмайди. Касал гўдакларни даволаб бориш учун маъсул бўлган тиббий ходимлар туғруқни бошқариш йўллари ва рўй берадиган асоратлар билан таниш бўлишлари керак. Шу муносабат билан касал чақалоқларни даволашга ўргатиш иши туғруқни бошқаришни ўргатиш билан бирлаштирилган ҳолда бошқа ўқув курсида олиб борилади.

Гўдаклар учун алоҳида Ёзув Шакли бор. У ҳажми жихатидан бир мунча каттароқ ёшдаги болаларнинг Ёзув Шаклига ўхшайди. Унда гўдакларнинг аҳволига баҳо бериш учун керакли белгилар кўрсатиб кўйилган. (Ана шундай шаклнинг нусҳаси Иловада келтирилган.)

2 ойликдан 5 ёшгача бўлган касал болаларни даволаш юзасидан Сиз энди ўзлаштириб олган баъзи билим ва қўнималар гўдакларни даволаш учун ҳам Сизга фойдали бўлади. Ушбу модулда гўдакларни даволаш учун зарур бўлган янги ахборот ва қўнималарга асосий эътибор бериб ўтилади.

---

\* Чақалоқлар асфиксия, сепсис, ҳомила пардаларининг вақтидан илгари ёрилиши, бачадон ичидағи бошқа инфекциялар ва туғруқ шикастлари туфайли тоби қочиб қолиши мумкин. Ёки уларда ўпка етилмагани учун нафасга алоқадор муаммолар бўлиши мумкин. Сариклик ҳам бола ҳаётининг биринчи ҳафтасида алоҳида эътибор қилиб қараб боришни талаб этади. Шунинг учун касал чақалокни даволаш 1 ҳафталиқдан 2 ойликкача бўлган гўдакларни парвариши килишдан фарқ қиласи.

Касал чақалоқларни даволаш ва туғруқни бошқаришни ўргатишга доир ахборотни олиш учун Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти Оила Саломатлиги Бўлимига мурожаат қилинг. Женева. Швейцария.

## **ЎҚИТИШДАН МАҚСАД**

Бу модулда қуйида келтирилган қўникмалар тасвиrlenади ва уларни татбиқ этишни машқ қилиб кўриш учун имкон берилади (уларнинг баъзилари амалда тиббий муассасада бажариб кўрилади):

- \* гўдакда ЎТА оғир касаллик ва махаллий бактериал инфекция эҳтимоли борлигини баҳолаш ва таснифлаш;
- \* гўдакларда сарғайиш мавжудлигини баҳолаш ва таснифлаш;
- \* диарея билан оғриган гўдак ахволини баҳолаш ва таснифлаш;
- \* гўдакни овқатлантиришда муаммолар ва камвазнлик бор-йўқлигини текшириб кўриш, унинг қандай эмаётганини баҳолаш ва овқатланишини таснифлаш;
- \* ЎТА оғир касаллиги бор гўдакларни касалхонага юборишдан олдин даволаш;
- \* ичириладиган ёки мускуллар орасига юбориладиган антибактериал препаратлар ёрдамида гўдакни даволаш;
- \* махаллий инфекцияларга ва оғиз оқаришига уйда даво қилишни онага ўргатиш;
- \* диареяга даво қилиш учун суюқлик бериш ўргатиш;
- \* болани тўғри ҳолда тутиб, кўкрак беришни онага ўргатиш;
- \* онага кўкракни соғишини ва пиёла билан боқишни ўргатиш;
- \* кам вазнлик гўдакни овқатлантиришга ва уй шароитида иситишга ўргатиш;
- \* уйда гўдакка парвариш қилиш юзасидан онага маслаҳат бериш;
- \* касал гўдакнинг кейинги кузатувини олиб бориш.

## **1.0. БЕМОР ГҮДАКНИ БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ**

Одатда bemor гүдакни она (ёки оиланинг бошқа аъзолари, масалан отаси, бувиси, акаси, опаси) тиббиёт муассасасига олиб келади. Лекин баъзида оналар ўзларининг соғлом болаларини тиббий кўрикка, эмлаш учун ёки бошқа муаммолар бўйича ҳам олиб келадилар. Ушбу модулда она bemor гүдакни Сизга олиб келганда қандай босқичларни бажаришингиз кераклиги баён этилган. Агар гүдакда жароҳат ёки куйиш белгилари бўлса бу модулдан фойдаланилмайди. Бундан ташқари ВИЧ инфекция кенг тарқалган ҳудудларда алоҳида маҳсус схемадан фойдаланилади.

Онадан гүдак муаммолари ҳакида сўранг. Ушбу муаммолар бўйича ташриф бирламчи ёки иккиламчи эканлигини аниқланг. Агар, ташриф иккиламчи бўлса, Сиз гүдакни кейинги кузатув учун мўлжалланган маҳсус кўрсатмаларга биноан олиб боришингиз лозим. Кейинги ташриф учун маҳсус кўрсатмалар модулнинг кейинги бобларида келтирилган.

Бу биринчи ташриф бўлса, схемада келтирилган босқичларнинг тартибига амал қилинг. Мазкур бўлимда касал бола аҳволини биринчи ташриф вақтида босқичма-босқич баҳолаш ва таснифлашни билиб оласиз:

- \* Ўта оғир касаллик ёки маҳаллий бактериал инфекция белгиларини излаб кўринг. Сўнгра, топилган белгиларга асосланиб гүдакнинг касаллигини таснифланг.
- \* Сариқлик борми, текширинг.
- \* Диарея тўғрисида сўраб кўринг. Гүдакда диарея бўлса, шу касалликка тааллуқли белгиларни баҳолаб чиқинг. Гүдакни сувсизланиш даражасига қараб таснифланг.
- \* Овқатланишга алоқадор муаммолар ва вазн камлиги бор-йўқлигини текшириб кўринг. Бу – болани эмизиб боқишининг аҳволига баҳо беришни, ёшига нисбатан кам вазнлигини ва оғзи оқарганлигини аниқлашни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Сўнгра боланинг овқатланишини таснифланг.
- \* Гүдакнинг эмланганлик ҳолатини текшириб кўринг.
- \* Бошқа муаммоларни баҳоланг.

Гүдакни зудлик билан касалхонага юборишни талаб этадиган белгиларни топсангиз, баҳолашни давом эттиришингиз керак. Лекин боланинг овқатланишини баҳоламанг, чунки бу кўп вақтни талаб этади.

### **1.1. БЕМОР ГҮДАКДА ЎТА ОҒИР КАСАЛЛИК ЁКИ МАҲАЛЛИЙ БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯ БЎЛИШИ МУМКИН, ИЗЛАБ КЎРИНГ**

Аҳволни баҳолашнинг бу босқичи *ҳар бир* касал гүдакда бажарилиши керак. Бу босқичда Сиз бактериал инфекция, айниқса жиддий инфекция белгиларини излашингиз лозим. Гүдак бола, масалан, пневмония, сепсис ва менингит сингари жиддий бактериал инфекциялар билан осон касалланиши ва *жуда тез* нобуд бўлиши мумкин. ЎТА оғир касаллик белгилари шунингдек, гүдакда туғилиш пайтидаги оғир асфиксия ёки чала туғилишнинг асоратлари каби бошқа жиддий ҳолатлар борлигини аниқлашга имкон беради.

Белгиларни схемада кўрсатилган тартибда баҳолаш ва бунда гүдакнинг тинч ҳолатда бўлишини кузатиб бориш муҳим. Асосий белгиларига баҳо бераётганингизда, яъни минутига неча марта нафас олишини санаётган, кўкрак қафасининг тортилиши ёки инқиллаб нафас олиш бор-йўқлигини аниқлаётган пайтингизда бола *минч ҳолатда бўлиши керак*, ухлаб ётган бўлиши ҳам мумкин.

Кейинги бир неча белгиларга баҳо бериш учун Сиз болани қўлга олиб, ечинтиришингиз ва бутун бадани терисини кўздан кечириб, танасининг ҳароратини ўлчаб қўришингиз керак. Бундай пайтда бола, аксари, уйғонади. Сўнгра боланинг ҳаракатларини кузатиб қўришингиз мумкин.

## ГЎДАКНИНГ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА ОНАДАН СЎРАБ КЎРИНГ

Бу муаммо бўйича биринчи ёки кейинги ташрифми, аниқланг.

- агар кейинги ташриф бўлса, гўдакни маҳсус тасвияляр бўйича олиб боришингиз керак.
- агар биринчи ташриф бўлса, куйидагича олиб боришингиз керак:

## ЎТА ОГИР КАСАЛЛИК ЁКИ МАХАЛЛИЙ БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯ БЎЛИШИ МУМКИН, ИЗЛАБ КЎРИНГ

### СЎРАНГ:

- Болани овқатлантиришда қийинчиликлар кузатиляптими?
- Гўдакда шайтонлаш бўлдими?

### КЎЗДАН КЕЧИРИНГ, ЭШИТИБ КЎРИНГ, ҲИС ЭТИНГ

- Минутдаги нафас сонини сананг. Агар нафас олиш сони минутига 60 тадан ошган бўлса, қайта сананг.
- Кўкрак қафасининг яққол тортилишини изланг.
- Қўлтиқ ости ҳароратини ўлчанг.
- Киндини кўздан кечиринг. Қизариш ёки йирингли ажралмалар борми?
- Теридаги йирингчаларни изланг.
- Гўдакнинг ҳаракатларини кўздан кечиринг. Гўдак ухлаётган бўлса, онасидан уни уйғотишини илтимос қилинг. Агар гўдак ҳаракат қиласаса, секин таъсир кўрсатинг.
- Таъсир кўрсатганда ҳаракат қиласими? Таъсир кўрсатишга қарамай ҳаракатсизми?

ГЎДАК ТИНЧ  
ХОЛАТДА  
БЎЛИШИ  
КЕРАК

Куйида ҳар бир белгини қай тариқа баҳолаш кераклиги тасвиранган.

### СЎРАБ КЎРИНГ: Болани овқатлантиришда қийинчиликлар борми?

Онага бу саволни беринг. Онанинг берган ҳар бир маълумоти зарурдир. Туғилганидан эма олмаганлик сабаби чалалик ёки асфиксия асоратлари бўлиши мумкин. Дастреб эмганда муаммолар бўлмаган, лекин хозир эма олмаган гўдакларда жиддий инфекциялар бўлиши мумкин. Бундай гўдаклар касалхонага юборилиши керак. Бундан ташқари, эмгандаги муаммолар куйидаги ҳолатларда ҳам бўлиши мумкин: гўдакни жуда тез-тез ёки кам эмизилиши, она кўкраги учининг ёрилганлиги ёки яссилиги. Сиз бу ҳолатларни эмизиш жараёнида баҳолайсиз.

### СЎРАНГ: Гўдакда шайтонлаш кузатилганми?

Онага шу саволни бериб кўринг. Онадан буни сўраётганингизда она учун тушунарли сўзларни ишлатинг. Масалан, она шайтонлашдан кўра, талваса, тиришиш ёки қотиб қолиш сўзларини тушуниши мумкин. Шайтонлаш вактида қўл оёқларинг тиришишлари ёки ритмик ҳаракат қилишлари кузатилиши мумкин. Гўдакнинг нафас олиши тўхташи ёки қўкариши мумкин. Тананинг аъзолари ритмик ҳаракат қилиши, масалан, оғизнинг тортилиши ёки кипригини тез-тез қоқиши кузатилиши мумкин. Гўдак хушини йўқотиши мумкин.

## **ҚАРАБ КҮРИНГ: Нафас ҳаракатларининг минутдаги сонини сананг. Нафас тезлиги 60 дан ошган бўлса, такрор санаб кўринг.**

Бирмунча каттароқ болада қилганингиздек, гўдак нафасининг қанчалик тезлигини санаб кўринг. Гўдаклар бирмунча каттароқ болаларга қараганда, одатда тезроқ нафас олади. Соғлом гўдак нафас ҳаракатларининг сони минутига одатда 50 мартадан ортиқроқ бўлади. Демак, бир минутдаги 60 та нафас гўдакнинг нафаси тезлашган, деб белгилаш учун чегара бўлиб ҳисобланади.

Биринча марта санаб кўрганингизда нафас ҳаракатларининг сони 60 та ёки ундан ортиқроқ бўлиб чиқса, санашни такрорланг. Бу муҳим, чунки гўдакларда нафас тезлиги аксари ўзгариб туради. Гўдак бола нафасни баъзан бир неча секунд тўхтатиб туриши, кейин бир мунча вакт давомида тез-тез нафас олиши мумкин. Иккинча санаш натижаси ҳам минутига 60 марта ёки ундан кўп бўлиб чиқса, демак, гўдакнинг нафаси тезлашган бўлади.

## **ИЗЛАНГ: Кўкрак қафаси яққол тортилиш борми?**

Кўкрак қафасининг тортилиш-тортилмаслигини бирмунча каттароқ болада қандай текшириб кўрадиган бўлсангиз, гўдак болада ҳам буни худди шундай текшириб, излаб кўринг. Лекин кўкрак қафасининг салгина тортилиши гўдак бола учун одатдаги холдир, чунки гўдаклар кўкрак қафасининг девори юмшоқ бўлади. Кўкрак қафаси сезиларли даражада тортилганида анча чукур тушади ва яхши билиниб туради. Кўкрак қафасининг сезиларли даражада тортилиши пневмония белгисидир ва у гўдак бола учун жиддий муаммо бўлиб ҳисобланади.

## **ҚЎЛТИҚ ОСТИ ҲАРОРАТИНИ ҮЛЧАНГ (ёки ҳарорат кўтарилиганми, пасайганми, пайпаслаб кўринг).**

Иситма (қўлтиқ ости чукурчасидан ўлчанган ҳароратнинг  $37,5^{\circ}\text{C}$  даражадан ёки тўғри ичакдан ўлчанган ҳароратнинг  $38^{\circ}\text{C}$  даражадан юқори бўлиши) – бола ҳаётининг дастлабки икки ойи ичида одатдан ташқари ҳодисадир. Гўдак болада иситма бўлса, бу – унда жиддий бактериал инфекция борлигини билдириши мумкин. Бунинг устига иситма жиддий бактериал инфекциянинг бирдан-бир, **ягона** белгиси бўлиши ҳам мумкин. Гўдак боланинг организми инфекция бошланганига тана ҳароратнинг (аксиляр ҳарорат)  $35,5^{\circ}\text{C}$  даражадан кўра пасайиши билан жавоб бериши ҳам мумкин.

Агар Сизда термометр бўлмаса, гўдак танасини ёки қўлтиқ ости чукурчаси соҳасидан пайпаслаб кўриб, унинг қизиб тургани ёки одатдан ташқари совуб кетганини аниqlанг.

## **КИНДИКНИ КЎЗДАН КЕЧИРИНГ: киндикнинг қизарган ва йиринг чиқаётган жойи борми?**

Киндик одатда бир хафтадан сўнг тушади ва 15 кунларда битади. Киндикнинг учи қизарган ёки киндикдан йиринг оқаётган бўлиши киндик инфекциясидан далолат беради. Сепсисни олдини олиш мақсадида киндик инфекцияси ўз вақтида аниqlаш ва даволаш лозим.

## **ИЗЛАНГ: терида йирингчалар борми?**

Бадан терисини бошдан-оёқ кўриб чиқинг. Теридаги йирингчалар – бу қизариб турган доғлар ёки ичида йиринг бўладиган пустулалардир.

## **ҚАРАБ КЎРИНГ: гўдакнинг ҳаракатларини қузатинг, гўдак ўзи ҳаракат қиласяптими? Ёки унга текканда ҳаракат қиласяптими? Текканга қарамасдан ҳаракатсизми? Таъсир**


## **күрсатганда ҳаракат қилиб, сүнгра түхтайдими? Гүдак бутунлай ҳаракатсиз қоладими?**

Гүдак болалар күп вақтда аксари ухлаб ётади ва бу касаллик белгиси бўлиб ҳисобланмайди. Соғлом гүдак уйғоқлик вақтида ҳам онаси ва тиббий ходим гаплашаётган пайтда, бирмунча каттароқ боладан фарқ қилиб, одатда, уларга қарамайди.

Кўзини очмай (летаргик ҳолатда) ётган гүдак уйғонмайди, сергакланмайди ва одатдагича фаоллик кўрсатмайди. У караҳт бўлиб ётиши ва қўзғатиб кўрилганидан кейин ҳам шундай ётавериши мумкин. Агар гўдакнинг ахволига баҳо берилаётган вақтда у уйғонмайдиган бўлса, уни уйғотиб кўришни онасидан илтимос қилинг. Онаси гапирганида ёки болани оҳистагина силтаб кўрганида, ё бўлмаса, ўзингиз чапак чалиб кўрганингизда бола уйғонадими-йўқми, қараб кўринг. Уйғонганича ётаверадими-йўқми, кузатиб кўринг.

Бехуш ётган гўдакни уйғотиб бўлмайди. У баданига бирор нарса текканини ҳам, келаётган товушларни ҳам сезмайди.

Ўқитувчингиз гўдак ва бирмунча каттароқ болаларда нафас тезлашувини аниқлаш масалалари юзасидан такрорлаш машқини ўтказади.



## МАШҚА

### 1 қисм – Видеофильм

Сиз гүдакларни ахволини баҳолаш түррисида видеофильмни күрасиз. Унда гүдаклар ахволига жиддий бактериал инфекция бор-йўқлиги хусусида қай тариқа баҳо бериш кераклиги намойиш этилади ва айрим белгилар мисол қилиб кўрсатилади.

### 2 қисм – Фотосуратлар

Буклетдаги 60 - 62 рақамли фотосуратларни диққат билан кўриб чиқинг. Ҳар бир фотосурат хусусида келтирилган изоҳларни қўйинг.

60- фотосурат: Гўдакнинг одатдаги киндиги.

61- фотосурат: Киндиқдаги қизариш қорин терисига ҳам ўтган.

62- фотосурат: Бадан терисидаги кўпгина йирингчалар.

63 – 65 - рақамли фотосуратларни диққат билан кўриб чиқинг. Шу гўдакларнинг ҳар бири хусусида киндиқнинг ахволига берган баҳоингизни белгилаб қўйинг (✓).

Киндик	Одатдаги қўриниши	Киндиқнинг қизаргани ёки ундан йиринг оқаётгани
63- фотосурат		
64- фотосурат		
65- фотосурат		

Видеофильм ва фотосуратлар гурухда муҳокама қилиб чиқилади.

## **1.2. БАРЧА БЕМОР ГҮДАКЛАРНИ ЎТА ОФИР КАСАЛЛИК ВА МАҲАЛЛИЙ БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯ БЎЙИЧА ТАСНИФЛАНГ**

Барча касал гўдакларни жиддий бактериал инфекция бўйича таснифланг. Гўдак боладаги белгиларни қўйида кўрсатилган белгилар билан солиштириб кўринг ва тўғри келадиган таснифни танлаб олинг. Гўдакда юқори қатордаги белгиларнинг бирортаси бўлса, ЎТА ОФИР КАСАЛЛИК таснифини танланг. Агар гўдакда иккинчи қатордаги белгиларнинг бирортаси бўлса, МАҲАЛЛИЙ БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯ таснифини олади. Юқорида икки қатордаги белгиларнинг бирортаси ҳам бўлмаган гўдак бактериал инфекция бўйича ЎТА ОФИР КАСАЛЛИК ЁКИ МАҲАЛЛИЙ ИНФЕКЦИЯ ЭҲТИМОЛИ КАМ таснифини олади.

<b>БЕЛГИЛАРИ</b>	<b>ТАСНИФЛАНГ</b>	<b>ДАВОЛАШ</b> (Касалхонага юборишдан олдинги шошилинч даволаш ажратиб кўрсатилган)
Қўйидагилардан биттаси бўлса ҳам: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Шайтонлаш ёки</li> <li>• Ёмон овқатланади ёки</li> <li>• Тезлашган нафас (минутига 60 ва ундан кўпроқ) ёки</li> <li>• Кўқрак қафасини кучли тортилиши ёки</li> <li>• Харакат фақат кўзғатганда бор ёки кўзғатганда ҳам ҳаракати йўқ ёки</li> <li>• Тана ҳарорати <math>37,5^{\circ}\text{C}</math>* ва ундан юқори ёки</li> <li>• Тана ҳароратининг пастлиги (<math>35,5^{\circ}\text{C}</math>* ва ундан паст) ёки</li> <li>• Киндик атрофидаги қизариш 1 см дан ортиқ, шиш ва хидли йиринг бор</li> </ul>	<b>ЎТА ОФИР КАСАЛЛИК</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Антибиотикнинг биринчи дозасини мускул орасига юборинг</li> <li>• Гипогликемиянинг олдини олинг</li> <li>• ЗУДЛИК билан касалхонага юборинг**</li> <li>• Касалхонага етиб боргунча гўдакни қандай қилиб иссиқ сақлаш бўйича онага маслаҳат беринг</li> </ul>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Киндикда йирингли ажралма бор ёки киндик қизарган ёки</li> <li>• Терида йирингли тошмалар</li> </ul>	<b>МАҲАЛЛИЙ БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯ</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Мос келадиган оғиз орқали бериладиган антибактериал препаратни беринг</li> <li>• Онага маҳаллий инфекцияни уй шароитида даволашни ўргатинг</li> <li>• Онага гўдакни уй шароитида парвариш қилиш бўйича маслаҳат беринг</li> <li>• Кейинги кузатув 2 кундан кейин</li> </ul>
• Ўта оғир касаллик ёки маҳаллий бактериал инфекция белгилари йўқ	<b>ЎТА ОФИР КАСАЛЛИК ЁКИ МАҲАЛЛИЙ ИНФЕКЦИЯ ЭҲТИМОЛИ КАМ</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Онага гўдакни уй шароитида парвариш қилиш бўйича маслаҳат беринг</li> </ul>

\* Бу аксилляр ҳарорат кўрсаткичи. Ректал ҳарорат тахминан  $0,5^{\circ}\text{C}$  юқори.

\*\* Гўдакни касалхонага юборишнинг иложиси бўлмаса, Болалар касалликларини интегрирлашган усулда олиб бориш дастурининг Бемор гўдакни олиб бориш модулидаги «Касалхонага юборишнинг иложиси бўлмаганд» қисмига қаранг .

### **ЎТА ОФИР КАСАЛЛИК**

Ана шундай таснифга хос белгилари бўлган болада ўлимга ҳам олиб бора оладиган оғир касаллик бўлиши мумкин ва у ўлим хавфини ошириши мумкин. Гўдакда вақтидан олдин туғилиш асоратлари, туғилгандаги камвазнлик ёки асфиксия ва пневмония, сепсис ёки

менингит жицдий инфекция бўлиши мумкин. Бундай инфекцияларни гўдакда бир-биридан фарқ қилиш қийин. Гўдакни олиб боришда қабул қилинадиган биринчи қарори учун уларни фарқлашнинг ҳожати хам йўқ.

Гўдакда ЎТА ОФИР КАСАЛЛИКка ишора қиласидиган бирор белги бўлса, у зудлик билан касалхонага юборишга муҳтож бўлади. Уни касалхонага юборишдан олдин мускул орасига юбориладиган антибиотикнинг биринчи дозасини беринг. Гипогликемиянинг олдини олиш учун кўкрак сути ёрдамида, ёки унинг йўқлигига шакар аралаштирилган сув ёрдамида даволанг. Гўдак эма олмаётган ҳолатда кўкрак сутини назогастрал зонд орқали юборинг. Гўдакни иссиқ тутиш тўғрисида онасига маслаҳат бериш жуда муҳим. Гўдак ўз тана ҳароратини бирдек сақлаб туриши қийин. Ҳарорат пасайиб кетишининг ўзи гўдакка ҳалокатли таъсир кўрсатиши мумкин.

## **МАҲАЛЛИЙ БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯ**

Ана шундай тасниф берилган гўдакларда киндик инфекцияси ёки тери инфекцияси бўлади. Бунинг давоси – тегишли антибактериал препаратларни 5 кун мобайнида ичириб туришни буюришдир. Она маҳаллий инфекцияга уйда хам даво қилиши ва гўдакни парваришлаб бориши керак. Кейинги текширув учун ва боланинг ахволи яхшиланадиганини тасдиқлаб олиш учун 2 кундан сўнг у тиббий муассасага яна келиши керак. Бактериал инфекциялар гўдакларда тез зўрайиб кетиши мумкин.

## **ЎТА ОФИР КАСАЛЛИК ЁКИ МАҲАЛЛИЙ ИНФЕКЦИЯ ЭҲТИМОЛИ КАМ**

Агар гўдак ҳолатини баҳолаш вақтида юкоридаги белгилар топилмаса, унинг ҳолати ЎТА ОФИР КАСАЛЛИК ЁКИ МАҲАЛЛИЙ ИНФЕКЦИЯ ЭҲТИМОЛИ КАМ деб таснифланади. Онага гўдакни уйда парваришлаш ҳақида маслаҳат беринг.

### **1.3. САРИҚЛИКНИ БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ**

Сариқлик соғлом чақалоқларнинг 50% дан ортиғида ва чала туғилган чақалоқларнинг 80% да пайдо бўлади. Кўп ҳолатларда сариқлик оддий ҳолат бўлиб, ҳаёт учун хавфли эмас. Бундай сариқлик физиологик сариқлик деб номланади. Сариқлик пайдо бўлишининг сабаби чақалок қонидаги эритроцитлар ташки қобигининг бузилишидадир. Бу вақтда эритроцитлар ичидан билирубин моддаси ажралиб чиқади. Билирубин тери ва шиллиқ пардаларнинг сарғайишига сабаб бўлади. Гўдакларда жигар функциясининг сустлиги сабабли билирубин моддаси организмдан аста-секинлик билан чиқиб кетади.

Оғир сариқлик қондаги билирубин моддасининг микдори юқори бўлгандан юзага келади. Сариқлик тананинг бош қисмидан бошланиб, билирубин моддасининг ортишиги қараб тананинг пастки қисмига тарқалади. Масалан, қон касаллиги ёки сепсис билан касалланган гўдакларда кўп микдорда билирубин ажралиб чиқиши мумкин. Камвазн (туғилгандаги вазни 2500 граммдан кам), чала туғилгларда ёки ёмон овқатланаётган ва ахлат ажралиб чиқармаётган чақалоқларда билирубин суст ажралиб чиқади. Билирубин моддасининг ортиб кетиши бош миясининг заҳарланишига олиб келади.

Сариқлик - бу тери ва шиллиқ қаватларнинг сарғайишидир. Кўп гўдакларда, айниқса ой кунига етмай туғилган гўдакларда (туғилгандаги вазни 2,5 кг дан паст бўлган ёки 37 ҳафтадан кичик бўлган чақалоқларда) сариқлик ҳафта мобайнида давом этиши мумкин. Бундай сариқлик одатда ҳаётнинг 3-4-кунларида пайдо бўлиши мумкин. Бунинг сабаби гўдак жигарининг функцияси яхши етилмаганлиги ва ҳосил бўлган билирубинни организмдан тўлиқ чиқара олмаслиги бўлиши мумкин. Бу сариқлик ой кунига етилиб туғилган гўдакларда 2 ҳафталиқда ва ой кунига етмай туғилган гўдакларда 3 ҳафталиқ ёшида қайтади. Бундай сариқлик даволанишни талаб қилмайди.

Биринчи кундан пайдо бўлган сариқлик асосида касаллик сабаблари бўлиши мумкин. Гўдакнинг қўл кафтлари ва оёқларида сезиларли сариқлик дарҳол даволашни талаб қиласди. Даволанмаган гўдакларда сариқликни бош мияга таъсири кузатилиши мумкин. Агар вазни нормал туғилган гўдакларда сариқлик 2 ҳафта ёки ундан ортиқ, кичикроқ гўдакларда 3 ҳафта ва ундан ортиқ кузатилса, бундай сариқликни чуқурроқ текшириш зарур.

### **ГЎДАКНИ САРИҚЛИККА ТЕКШИРИНГ**

Ҳар бир гўдакни сариқликка текширинг. Сариқликка текширишни табиий ёруғликда ўтказиш зарур. Сариқликни текшириш учун бармоғингиз билан гўдакнинг пешана терисини босиб кўринг. Бармоғингизни олганингизда терида сариқлик аломати борми? Агар сарғайиш бўлса, демак, гўдақда сариқлик бор. Сариқликнинг оғирлигини баҳолаш учун бу жараённи қўл панжалари ва оёқларида текширинг.

#### **КЎЗДАН КЕЧИРИНГ, ҲИС ЭТИНГ**

Агар сариқлик бўлса,  
СЎРАНГ:

- Қачон биринчи марта сариқлик пайдо бўлган?

- Сарғайиш борми (кўз оқлигининг ёки тери қопламларининг сариқ ранги)?
- Кафт ва оёқ тагларининг сарғайиши борми?

<b>БЕЛГИЛАР</b>	<b>ТАСНИФЛАНГ</b>	<b>ДАВОЛАНГ</b> (Касалхонага юборищдан олдинги шошилинч даволаш ажратиб кўрсатилган)
<ul style="list-style-type: none"> <li>Хар қандай сариқлик, агар ёши 24 соатдан кам бўлса, ёки</li> <li>Ёшидан қатъий назар, кафтлар ва оёқ тагларидағи сариқлик</li> </ul>	<b>ОФИР САРҒАЙИШ</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Гипогликемиянинг олдини олинг</b></li> <li><b>ЗУДЛИК билан касалхонага юборинг</b></li> <li><b>Касалхонага етиб боргунча гўдакни қандай қилиб иссик сақлаш бўйича онага маслаҳат беринг</b></li> </ul>
<ul style="list-style-type: none"> <li>Ёши 24 соатдан ўтганда пайдо бўлган сариқлик ВА</li> <li>Кафтларда ва оёқ тагларида сариқлик йўқ</li> </ul>	<b>САРҒАЙИШ</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Гўдакни уй шароитида парвариш қилиш бўйича онага маслаҳат беринг</li> <li>Агар кафт ва оёқ тагларида сариқлик пайдо бўлса, дарҳол қайта мурожаат қилиш кераклигини онага тушунтиринг</li> <li>Агар гўдакнинг ёши 14 кундан ортиқ бўлса, текшириш учун касалхонага юборинг</li> <li>Кейинги кузатув 1 кундан кейин</li> </ul>
Сариқлик йўқ	<b>САРҒАЙИШ ЙЎҚ</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Гўдакни уй шароитида парвариш қилиш бўйича онага маслаҳат беринг</li> </ul>

Ҳаётнинг биринчи 24 соатида гўдакдаги пайдо бўлган сариқликни ОФИР САРҒАЙИШ деб таснифлаш керак. Қўл кафти ва товонида пайдо бўлган сариқлик ҳам ОФИР САРҒАЙИШ деб таснифланади.

24 соатдан кейин пайдо бўлган ва қўл кафтлари ва товонларида сарғайиш аломатлари бўлмаса, САРҒАЙИШ деб таснифланади.

Агар гўдак ёши 14 кундан юқори бўлиб, САРҒАЙИШ таснифи бўлса, касалхонага баҳолашга юборилади.

Агар гўдакда сарғайиш аломатлари бўлмаса, САРҒАЙИШ ЙЎҚ деб таснифланади.

## 1.4. ДИАРЕЯНИ БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ

Она боласида ичкетар бўлиб қолди, деб айтадиган бўлса, диареяни баҳоланг ва таснифланг. Эмизиб боқиладиган бола ичининг одатдагича тез-тез ёки суюқ бўлиб келиб туриши диарея эмас. Эмизиб боқиладиган боланинг ахлати одатдагидан кўра суюқ ёки тез-тез келаётганига қараб диареяни билиб олиши мумкин. Бундай баҳолаш бир қадар каттароқ ёшдаги болалар диареясини баҳолашга ўхшайди, фарки фақат шуки, чанқоқлик белгиси баҳоланмайди. Сабаби, гўдакларда чанқоқликни очлиқдан фарқ қилиб бўлмайди.

### СЎРАБ КЎРИНГ: Гўдакда диарея борми?

#### БОР БЎЛСА, КЎЗДАН КЕЧИРИНГ ВА ҲИС ЭТИНГ:

- Гўдакнинг умумий аҳволига қаранг:

Гўдак:

- Ўзи мустақил ҳаракат қиласидими?
- Таъсир курсатилганда ҳаракат қилиб, кейин ҳаракати тўхтаб қиласидими?
- Таъсир кўрсатилганга қарамай ҳаракати йўқми?
- Безовта ёки бетоқатми?
- Қараб кўринг, кўзлари киртайганми?
- Қорин тери бурмасининг реакциясини текширинг.

Тери бурмаси:

- жуда секин (2 секунддан ортиқ) текисланади
- секин (2 секундгача) текисланади

## ДИАРЕЯНИ ТАСНИФЛАНГ

Диарея катта ёшли болада қандай таснифланса, гўдак болада ҳам худди шундай таснифланади. Гўдақдаги белгиларни қуйида санаб ўтилган белгилар билан солиштириб кўринг ва сувсизланиш даражасига оид бир таснифи танланг.

БЕЛГИЛАР	ТАСНИФ	ДАВОЛАШ (Касалхонага юборишдан олдинги шошилинч даволаш ажратиб кўрсатилган)
Қуйидаги белгилардан иккитаси бўлса: <ul style="list-style-type: none"><li>Фақат таъсир кўрсатганда ҳаракат қиласди ёки таъсир кўрсатишига қарамай ҳаракатсиз</li><li>Кўзлари киртайган</li><li>Тери бурмаси жуда секин текисланади</li></ul>	ОГИР СУВСИЗЛАНИШ	Агар гўдакда бошқа оғир таснифлар бўлмаса: <ul style="list-style-type: none"><li>Оғир сувсизланишини даволаш учун В режадан фойдаланинг ёки</li></ul> Агар гўдакда бошқа оғир таснифлар бўлса: <ul style="list-style-type: none"><li>ЗУДЛИК билан гўдакни онаси билан касалхонага юборинг. Касалхонага боргунча онаси болага ОРВнинг паст осмолар эритмасини тез-тез ичириб кетиши лозим</li><li>Онага эмизишни давом эттириши кераклигини тушунтиринг</li></ul>
Қуйидаги белгилардан иккитаси бўлса: <ul style="list-style-type: none"><li>Безовта ёки бетоқат</li><li>Кўзлари киртайган</li><li>Тери бурмаси секин текисланади</li></ul>	ЎРТАЧА СУВСИЗЛАНИШ	• Ўртacha сувсизланишда кўкрак сути билан боқишини давом эттиринг ва суюқлик беринг (Б режа) Агар гўдакда бошқа оғир таснифлар бўлса : <ul style="list-style-type: none"><li>ЗУДЛИК билан гўдакни онаси билан касалхонага юборинг. Касалхонага боргунча онаси болага ОРВнинг паст осмолар эритмасини тез-тез ичириб кетиши лозим</li><li>Онага эмизишни давом эттириши кераклигини тушунтиринг</li></ul> <ul style="list-style-type: none"><li>Онасига қачон зудлик билан қайта мурожаат қилиш кераклигини тушунтиринг</li><li>Кейинги кузатув ахволи яхшиланмаса 2 кундан кейин</li></ul>
• Ўртacha ёки оғир сувсизланиш деб таснифлаш учун белгилар етарли эмас	СУВСИЗЛАНИШ ЙЎҚ	<ul style="list-style-type: none"><li>Диареяни даволаш учун уй шароитида суюқлик беринг ва кўкрак сути билан боқишини давом эттиринг (А режа)</li><li>Онасига қачон зудлик билан қайта мурожаат қилиш кераклигини тушунтиринг</li><li>Кейинги кузатув ахволи яхшиланмаса 2 кундан кейин</li></ul>

## Гўдак Ёзув Шаклидан фойдаланиши

Кўйида Гўдак Ёзув Шаклининг бир қисми келтирилган. Унинг устки бўлими Бемор Бола Ёзув Шаклидаги билан бир хил. Кейинги бўлимлари ЎТА ОФИР КАСАЛЛИК, МАҲАЛЛИЙ БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯ, САРИҚЛИК ва ДИАРЕЯ учун мўлжалланган. Эътибор беринг, гўдак учун умумий хавф белгилари йўқ. Қўйида келтирилган мисолни ўрганиб чиқинг. Бу формада Эркин исмли гўдак боланинг аҳволини баҳолаш ва таснифлаш натижаларининг бир қисми кўрсатилган.


### 0 ДАН 2 ОЙГАЧА БЎЛГАН БЕМОР ГЎДАКНИ ОЛИБ БОРИШ

Исми Эркин Ёши 5 кун Оғирлиги 2,9 кг Ҳарорати 37,2°c  
СЎРАБ КЎРИНГ: Болада қандай муммоловар бор? Тошима Биринчи келиши V Такрорий келиши \_\_\_\_\_

БАҲОЛАНГ (Бор симптомларнинг айланага ўранг)

ТАСНИФЛАНГ

ЎТА ОФИР КАСАЛЛИК ВА МАҲАЛЛИЙ ИНФЕКЦИЯ ЭҲТИМОЛИНИ ИЗЛАБ КЎРИНГ		
• Гўдакни овқатланишида қийинчилклар борми? • Гўдакда шайтонлаш бўлдими?	<ul style="list-style-type: none"> <li>Минутдаги нафас сонини сананг. Минутига 44 та. Нафас олиш сони 60 дан ошган бўлса, кайта сананг <u> </u> та. Нафас тезлашганми?</li> <li>Кўкрак қафасининг ичига кучли тортилиб турганини изланг.</li> <li>Иситма борлиги (<math>37,5^{\circ}\text{C}</math> ва бундан юқори)</li> <li>Ҳарорат пасайиб кетгани (<math>35,5^{\circ}\text{C}</math> дан паст).</li> <li>Киндинки караб кўринг. Қизарби, йирингли сув оқаётган жойи борми?</li> <li>Терида ийрингчалар бор-йўклигини қаранг.</li> <li>Боланинг харакатларини кузатиб кўринг. Таъсир кўрсатганда харакат қиладими? Таъсир кўрсатишга қарамай харакатсизми?</li> </ul>	
САРИҚЛИК БОРЛИГИНИ ТЕКШИРИНГ Агар Сариклик бўлса, СЎРАНГ	<ul style="list-style-type: none"> <li>Қачон биринчи марта саргайиш пайдо бўлди?</li> <li>Саргайиш борми (кўз оқлигининг ёки тери копламларининг сарик ранги)?</li> <li>Кафтлар ва оёқ тагларининг саргайиши борми?</li> </ul>	
ГЎДАКДА ДИАРЕЯ БОРМИ? ҲА <u> </u> ЙЎҚ <u>✓</u>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Гўдакнинг умумий аҳволига қаранг. Гўдак: <ul style="list-style-type: none"> <li>Ўзи мустакил харакат қиладими?</li> <li>Таъсир кўрсатганда харакат килиб, кейин харакати тўхтаб қоладими?</li> <li>Таъсир кўрсатишга қарамай харакати йўқми?</li> <li>Гўдак безовта ва бетоқатми?</li> </ul> </li> <li>Изланг кўзлари киртайганми?</li> <li>Кориндаги тери бурмаларининг реакциясини текшиring. Бурма: <ul style="list-style-type: none"> <li>Жуда секин (2 секундан кўп) текисланяптими?</li> <li>ёки секин?</li> </ul> </li> </ul>	



## МАШҚ Б

Ушбу машқда кузатиш натижаларини шаклга киритасиз. Сиз ЎТА ОФИР КАСАЛЛИК ЁКИ МАҲАЛЛИЙ БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯ, САРИҚЛИК, ДИАРЕЯ касалликларни таснифлайсиз.

Тренердан 7 та тоза ГЎДАК ҳақида Ёзувлар Шаклини олиб тўлдиринг. Ўз буклетингиздаги гўдак схемасидан фойдаланинг.

Хар бир ҳолни таснифлаш учун:

- 1) Гўдакнинг исмини Ёзув Шаклига ёзиб қўйинг;
- 2) Мазкур ҳол тасвирини ўқиб чиқинг. Гўдакнинг ёши, вазни, танасининг ҳарорати ва муаммосини ёзиб қўйинг. «Биринчи ташриф» («Биринчи келиши») деб белгилаб қўйинг. (Ушбу машқда хамма гўдаклар тиббий муассасага биринчи марта олиб келинган, деб ҳисобланади.)
- 3) Баҳолаш натижаларини Ёзув Шаклига ёзиб қўйинг.
- 4) Боланинг касаллигини гумондаги ЎТА ОФИР КАСАЛЛИК ЁКИ МАҲАЛЛИЙ БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯ, САРИҚЛИК ЭҲТИМОЛИ ва ДИАРЕЯ бўйича таснифланг.
- 5) Сўнгра кейинги ҳолга ўтинг.

### 1- ҳол. Олим

Олим 3 ҳафтали, уй шароитида туғилди. Оғирлиги 3,5 кг. Танасининг ҳарорати  $36,5^{\circ}\text{C}$  даражада. Бола нафас олишга қийналаётгани учун уни тиббий муассасага олиб келишган. Тиббий ходим биринчи галда бу гўдакда ЎТА ОФИР КАСАЛЛИК ВА МАҲАЛЛИЙ БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯ бормикин, деб текшириб кўрди. Онасининг гапларига қараганда, Олимда шайтонлаш ҳодисалари бўлмаган. Тиббий ходим санаб кўриб, боланинг минутига 74 мартадан нафас олаётганини аниқлади. У саноқни тақрорлади. Кейинги саноқ натижасида нафас ҳаракатларининг сони минутига 70 марта бўлиб чиқди.

Тиббий ходим Олимда кўкрак қафасининг енгил тортилишини аниқлади. Бола фақат таъсир кўрсатганда қимиirlайди. Киндиги одатдагича ва баданинг терисида йирингчалар йўқ. Болада сариқлик ва диарея йўқ.

### 2- ҳол. Хилола

Хилола 1 ҳафталик. Оғирлиги 3,4 кг. Қўлтиқ ости ҳарорати  $37^{\circ}\text{C}$  даражада. Бу қизчанинг баданига тошма тошиб кетгани учун уни онаси тиббий муассасага олиб келган. Тиббий ходим гумондаги ўта оғир касаллик ва маҳаллий бактериал инфекция белгиларини баҳолаб чиқди. Онаси қизчада шайтонлаш ҳодисалари бўлгани йўқ, деб айтди. Нафас ҳаракатларининг сони минутига 55 та. Қизча кўрак қафасининг тортилиши йўқ. Киндиги одатдагича (нормал ҳолда).

Тиббий ходим қизчанинг бутун баданини текшириб кўриб, сонларининг терисида қизил тошмалар ва кам сонли майда йирингчалар борлигини топди. Хилола уйғоқ, летаргик ҳолатда эмас, ҳаракатлари одатдагича. Бу қизчада сариқлик ва диарея йўқ.

### **3- ҳол. Бахтиёр**

Кичкина чақалоқ - Бахтиёр роса икки ҳафта илгари туғилган. Оғирлиги 2,5 кг. Кўлтиқ ости ҳарорати 36,5°C даража. Онасининг гапларига қараганда бу бола ой-куни етмасдан уй шароитларида туғилган ва туғилганида унинг бошқа болаларидан кўра кичикроқ бўлган. Боланинг киндиги инфекцияланиб қолганидан онаси ҳавотирда. Онаси болада шайтонлаш ҳодисалари бўлгани йўқ, деб айтди. Тиббий ходим бола нафас ҳаракатларининг сонини аниқлади ва унинг минутига 55 марта нафас олаётганини топди. Болада кўрак қафасининг тортилиши йўқ. Киндик ҳалкасидан бир оз йиринг оқиб турибди, киндик учи озроқ қизарган. Тиббий ходим боланинг бутун баданини текшириб кўриб, терисида йирингчалар борлигини топмади. Бола уйғоқ ва кайфияти яхши. Унинг ҳаракатлари одатдагича. Бахтиёрда диарея йўқ.

### **4-ҳол. Азим**

Азим 1 ҳафталиқ. Вазни 2,2 кг. Аксилляр тана ҳарорати 36,5°C. Онаси Азимни танасининг ранги ўзгарганлигини сезганлиги учун олиб келди. Тиббий ходим биринчи галда бу гўдакда ўта оғир касаллик ва бактериал инфекция бормикин, деб текшириб кўрди. Онаси Азимда талваса бўлмаганлигини айтди. Бола минутига 58 марта нафас оларди. Кўкрак қафасининг тортилиши йўқ. Киндиги тоза. Тиббий ходим танасини назорат қилганда терисини, оёқ ва қўл панжаларини, кўзини сарғайишини кузатди. Болада диарея аломатлари йўқ.

### **5-ҳол. Аниса**

Аниса 10 кунлик. Вазни 3,2 кг. Аксилляр тана ҳарорати 36,5°C. Онасининг айтишича Аниса ўзини яхши ҳис қиласапти, лекин биринчи кунларданоқ кўзининг сариқлиги бор ва шу кунгача сариқлик сакланиб келаяпти. Тиббий ходим бу гўдакда ўта оғир касаллик ва маҳаллий бактериал инфекция бормикин, деб текшириб кўрди. Онаси қизида тутқаноқ бўлмаган ва яхши эмаяпти деди. Нафас олиши минутига 55. Кўкрак қафасининг тортилиши йўқ. Киндиги тоза. Танасида йиринглар йўқ. Ҳақиқатдан ҳам кўзида сарғайиш бор, лекин кўл ва оёқ панжаларида сарғайиш йўқ. Анисада диарея аломатлари йўқ.

### **6 ҳол. Жаннат**

Жаннат 7 ҳафталиқ. Тана вазни 3 кг. Аксилляр тана ҳарорати 36,4°C. Онаси Жаннатда диарея аломатлари борлиги учун олиб келди. Тиббий ходим бу гўдакда ўта оғир касаллик ва бактериал инфекция бормикин, деб текшириб кўрди. Онасининг айтишича болада шайтонлаш бўлмади ва яхши эмаяпти. Нафас олиши минутига 58 та. Бола онасининг қўлида ухлаётган эди, йўргакдан ечганида уйғонди. Кўкрак қафасининг енгил тортилиши кузатилаяпти. Киндиги қизил эмас, йиринг ажралмаяпти. Йўргак теккан жойларда тошмалар бор, лекин танасида йирингли тошмалар йўқ. Сариқлик аломатлари йўқ. Жаннат кўл - оёқларини ҳаракат қилиб йиғлаяпти. Тиббий ходим онасидан диарея ҳақида сўраганда, касаллик 3 кун олдин бошланган деди. Жаннат йиғлашда давом этаяпти. Онаси кўкракни бергандан сўнг йиғидан тинди. Кўкракни эмишдан тўхтагандан сўнг яна йиғлай бошлади. Кўзлари киртайган эмас. Текшириб кўрилганида терисининг бурмалари секинлик билан текисланади.

### **7 ҳол. Озода**

Озода 6 ҳафталиқ. Оғирлиги 4,2 кг. Аксилляр тана ҳарорати 36,5°C даража. Қизча ич кетар бўлиб қолгани учун онаси уни тиббий муассасага олиб келган, у жуда бетоб бўлиб кўринади. Тиббий ходим қизчада шайтонлаш бўлдими, деб сўраб кўрганида онаси “йўқ, бўлмади”, деб жавоб берди. Тиббий ходим санаб кўриб, қизчанинг минутига 50 мартадан нафас олаётганини аниқлади. Озоданинг кўкрак қафасида тортилиш йўқ. Киндиги қизарган ва йиринг оқаётгани

ҳам йўқ. Қизчанинг баданида йирингчалар йўқ. Озода кўрик пайтида ҳаракатсиз ва фақат таъсири кўрсатганда озроқ қимирлади. Тери ва кўзлари нормал.

**Эслатма:** Шу 7 нафар гўдакнинг Ёзув Шаклларини сақлаб қўйинг.  
Уларнинг ахволини баҳолаш, таснифлаш ва уларга даво белгилаш ишларини бу модулда Сиз кейинчалик давом эттирасиз.

Бу машқни бажариб бўлганингиздан кейин ўз жавобларингизни ўқитувчи билан мухокама қилиб чиқинг.

## **1.5. СҮНГРА, ОВҚАТЛАНИШ МУАММОЛАРИ ЁКИ КАМВАЗИЛК БОРМИ, ТЕКШИРИБ КҮРИНГ**

Гүдак боланинг яхши униб-ўсиб бориши учун уни тўғри ва бекаму-кўст овқатлантириш керак. Болани гўдаклик вақтида нотўғри овқатлантириш бутун умрига таъсир қилиши мумкин. Боланинг нечоқлик яхши униб-ўсаётганинга оғирлигининг ёшига нисбатини аниқлаш йўли билан баҳо берилади. Боланинг овқатланишини яхшилаш зарур бўлса, бундай имконга эга бўлиш учун унинг овқатланиши ва вазнига, яъни танасининг оғирлигига баҳо бериш жуда муҳим.

Гўдак болани овқатлантириб боришнинг энг яхши усули уни фақат эмизиб боқишидир. Фақат эмизиб боқиши деган гап бола фақат кўкрак эмади ва бошқа ҳеч қандай қўшимча овқат, сув ёки бошқа ичимликлар олмайди, деган маънони билдиради. (Дори препаратлари бундан мустасно).

Гўдакни фақат эмизиб боқиши унинг жуда яхши овқатланиб боришини таъминлайди ва болани турли касалликлардан ҳимоя қиласди. Болани фақат эмизиб боқиши унинг униб-ўсиб бориши учун энг яхши шароитларни таъминлаб беришини оналар тушуниб олишса, улар ўз болаларини кўпроқ эмизиб боқадиган бўлишар, балки. Улар болаларнинг яхши униб-ўсиб боришига шароит яратиб бериш учун гўдакни фақат эмизиб боқишини қийинлаштирадиган ёки мушкул қилиб қўядиган ижтимоий ёки шахсий сабабларга қарамай, фарзандини фақат эмизиб боқиб боришга жазм қилишар, балки.

Гўдакнинг овқатланишига баҳо беринг. Биринчи қисмида Сиз онага саволлар бериб, суриштириб кўрасиз. Болани овқатлантиришга онада қийинчиликлар бор-йўқлигини, гўдак боланинг қанчадан ва нечоқлик тез-тез овқатланиб туришини аниқлаб олишингиз керак. Боланинг оғирлиги ёшига тўғри келиш-келмаслигини ҳам аниқлаб олишингиз лозим.

Баҳо бериш ишининг иккинчи қисмида, агар болада кўкрак эмишига ҳалал берадиган муаммолар бўлса ёки унинг оғирлиги ёши учун кам бўлиб чиқса, боланинг қай тариқа эмизилишига  
баҳо  
беришингиз  
керак.

## **1.5.1. БОЛАНИНГ ОВҚАТЛАНИШИ ВА ВАЗННИНГ ЁШИГА МОСЛИГИНИ АНИҚЛАНГ. ОҒИЗДА ОҚАРИШ (МОЛОЧНИЦА) БОР ЁКИ ЙҮҚЛИГИНИ АНИҚЛАНГ**

**СҮНГРА ЭМИЗИШДА ҚИЙИНЧИЛИКЛАР ЁКИ ЁШ БҮЙИЧА КАМВАЗНЛИК БОРМИ, АНИҚЛАНГ**

**Агар гўдакни касалхонага юборишга кўрсатмалар бўлмаса:**

<b>СЎРАБ КЎРИНГ:</b> <ul style="list-style-type: none"><li>▪ Гўдак эмадими? Агар эмадиган бўлса, 24 соатда неча маҳал?</li><li>▪ Гўдак одатда бошқа овқат ёки суюқликлар олиб турадими?</li><li>▪ Гўдакни овқатлантиришда Сиз нимадан фойдаланасиз?</li></ul>	<b>КЎЗДАН КЕЧИРИНГ, ЭШИТИБ КЎРИНГ, ҲИС ЭТИНГ</b> <ul style="list-style-type: none"><li>▪ Вазннинг ёшга мослигини аниқланг</li><li>▪ Қаранг, гўдак оғзида яралар ва оқариш борми?</li></ul>
---	--

**СЎРАБ КЎРИНГ: Гўдак кўкрак эмадими? Агар эмадиган бўлса, 24 соатда неча маҳал?**  
Гўдак болани кундузи ҳам, кечаси ҳам, у неча маҳал ва қанчалик узоқ истаса, шунчалик узоқ эмизиб туриш тавсия этилади. 24 соат давомида ҳисоблаганда бу 8 марта ва бундан кўпроқ эмизилиши керак.

**СЎРАБ КЎРИНГ: Бола одатда бошқа овқат ёки суюқликлар олиб турадими? Агар олса, кунига неча марта?**

Гўдак бола фақат кўкрак эмиб овқатланиши керак. У, масалан, бошқа сут, мева суви, чой, суюқ бўтқа ёки ҳатто сув сингари қандай **бўлмасин** бошқа бирор хил овқат ёки суюқлик оладими, аниқланг. Буларни бола нечоқлик тез-тез ва қанчадан олади, сўраб кўринг. Сиз, бола асосан эмизиб боқиладими ёки кўпроқ бошқа овқат билан боқиладими, шуни аниқ билиб олишингиз керак.

**СЎРАБ КЎРИНГ: Гўдакни овқатлантиришда Сиз нимадан фойдаланасиз?**

Агар бола бошқа овқат ёки суюқлик оладиган бўлса, бунда она шишача ишлатадими ёки пиёлами, аниқлаб олинг.

**КЎЗДАН КЕЧИРИНГ: Боланинг оғирлиги ёшига тўғри келиш-келмаслигини аниқланг.**  
Боланинг оғирлиги ёши учун кам ёки кам эмаслигини аниқлаш учун бола оғирлигининг ёшига нисбатини ифодаловчи графикдан фойдаланинг. Гўдак боланинг оғирлигини аниқлаш учун оғирлиги ёши учун кам чизигидан фойдаланиш керак.


**Гўдак болаларнинг ёши одатда ҳафталар ҳисобида ифодаланишини унутманг, лекин графикда боланинг ёши ойлар ҳисобида кўрсатилади.** Оғирлиги ёши учун кам гўдакларнинг баъзилари туғилишида вазни кам бўлган. Баъзилари туғилганидан кейин вазнига етарли вазн кўшиб бормаган. Эҳтимол, гўдакнинг кам вазнлиги кўкрак билан бокишдаги муаммолар билан боғлиқ.

**КЎРИНГ: Оғиз оқармаси (молочница) борми?**

Боланинг оғзини очиб, тили ва лунжларининг ички юзасини қараб кўринг. Оқарма лунжларнинг ички юзасидаги сут лахталари ёки тилдаги қалин оқ карашга ўхшаб кўзга ташланади. Ана шундай оқ карашни артиб кўринг. Оқ доғлар боланинг оғзида қолаверади.


## Үғил болалар

### Вазнни ёшга мослиги. Түгилишдан – 6 ойгача (Z-индекс)



## Қиз болалар

### Вазнни ёшга мослиги. Түгилишдан –6 ойгача (Z-индекс)



## 1.5.2. БОЛАНИНГ ЭМИЗИЛИШИНИ БАҲОЛАНГ

<p>ҚАНДАЙ ЭМИЗИЛИШИНИ БАҲОЛАНГ:</p> <p>Гўдак сўнгги 1 соат давомида кўкрак эмганми?</p>	<p>Охирги соат ичидагўдак эммаган бўлса, онасидан уни эмилишини сўранг. Эмилишини 4 минут давомида кузатинг.</p> <p>(Агар гўдак охирги соат давомида эмган бўлса, онадан гўдакнинг қорни очгунча кутиб туриши ва эмишни хоҳлаганида айтишни сўранг.)</p> <p>Гўдак кўкракни олишга қодирми? <i>ёмон тутилган</i>                   <i>яхши тутилган</i></p> <div style="border: 1px solid black; padding: 10px; margin-top: 10px;"><p><i>КЎКРАККА ТУТИЛИШИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН, АҲАМИЯТ БЕРИНГ:</i></p><p><i>Гўдакнинг ияги она кўкрагига тегади Гўдакнинг оғзи катта очилган Пастки лаби ташқарига қайрилган Ареоланинг катта қисми оғизининг пастидан эмас, юқорисидан кўринади</i></p><p>(Кўкракка яхши тутилганда бу белгиларнинг барчаси бўлиши керак)</p></div> <p>Гўдак самарали эмяптими (яъни чукур, секин эмувчи ҳаракатлар, пауза билан)?</p> <p style="text-align: center;"><i>самарасиз эмади</i>                   <i>самарали эмади</i></p> <p>Гўдакнинг бурни битиб, эмишга халал берадиган бўлса, бурнини тозаланг. Оғизда яралар ёки оқ доғларни изланг (молочница).</p>
---	---

Боланинг қандай эмилишига баҳо бериш диққат билан кузатиб туришни талаб қиласди.

### СЎРАБ КЎРИНГ: Гўдак сўнгги бир соат давомида кўкрак эмганми?

Агар эмган бўлса, кутиб туришни ва бола яна қачон кўкрак олишни истаса, буни айтишни онасидан илтимос қилинг. Бу вақтда боланинг эмланганлик ҳолатини текшириб кўринг. Болага зарур давони бошлинигиз, масалан, МАҲАЛЛИЙ БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯДА антибиотик ёки ЎРТАЧА СУВСИЗЛАНИШДА ОРВ эритмасини беришингиз ҳам мумкин.

Агар бола сўнгги бир соат мобайнида эмилимаган бўлса, балки энди эмгиси келаётгандир. Уни кўкракка тутиб кўришни онасидан илтимос қилинг. Боланинг қандай эмаётганини, иложи бўлса, бошидан охиригача ёки лоақал 4 минут давомида кузатиб боринг.

## Тинчгина ўтириб, боланинг кўкрак эмишини қузатинг



### ҚАРАБ КЎРИНГ: Гўдак кўкрак олишга қодирми?

Куйида боланинг кўкракка яхши тутилганини кўрсатадиган тўртта белги келтирилган:

- Боланинг ияги онасининг кўкрагига тегиб туради;
- Оғзи катта очилган;
- Пастки лаби ташқарига қайрилган;
- Ареоланинг қўп қисми бола оғзининг пастидан эмас, устидан қўринади.

Агар шу тўрттала белгиларнинг ҳаммаси бўлса, демак, бола **кўкракка яхши тутилган**.

Агар у ёмон тутилган бўлса, Сиз мана бу белгиларни топишингиз мумкин:

- боланинг ияги онасининг кўкрагига тегиб турмайди;
- оғзи катта очилган эмас, лаблари олдинга чўччайган;
- пастки лаби ичкарига қайрилган ёки;
- ареоланинг қўп қисми (ёки тенг қисми) бола оғзининг устидан эмас, пастидан қўринади.

Боланинг **кўкракка нотўғри тутилганини** кўрсатувчи шу белгиларнинг бирортасини топган бўлсанингиз, демак, бола **кўкракка ёмон тутилган**.

Боланинг кўкракка ёмон тутилиши онага оғриқ бериши, кўкрак учларини заарлаб қўйиши мумкин. Гўдак бола кўкракдан сутни яхши эмиб ололмайдиган бўлса, бу – кўкракнинг дағаллашиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Бунда гўдак эмганидан кейин оч қолавериши ва тез-тез эмишни ёки узоқроқ вақт давомида эмиб туришни истайдиган бўлиши мумкин. У жуда кам сут эмиб, вазнига вазн қўшиб боролмаслиги ёки онасида сут йўқолиб кетиши ҳам мумкин. Агар болани кўкракка тутишни тўғрилаб қўйиладиган бўлса, мана шу муаммоларнинг барчаси ҳал бўлиши мумкин.

**Бола кўкракка яхши тутилган**



**Бола кўкракка ёмон тутилган**




**ҚАРАБ КЎРИНГ:** Бола кўкракни яхши эмадими (яъни тўхтаб-тўхтаб, секингина чукур-чукур сўриш ҳаракатларини қиласидими)?

Агар бола тўхтаб-тўхтаб, секингина чукур-чукур сўриш ҳаракатларини қиласидиган бўлса, демак, у **яхши эмади**. Сутни бола қандай ютаётганини кўришингиз ёки эшишишингиз мумкин. Болани эмизиш қай тариқа тугалланишини кузатиб боролмайдиган бўлсангиз, гўдак эмишдан қоникканми-йўқми, текшириб кўринг. Агар у қониккан бўлса, кўкракни ўзи қўйиб юборади (яъни боланинг эмишини онаси қандай бўлмасин бирор йўл билан тўхтатмаслиги керак). Гўдак бола бўшашиб, мудраётгандек бўлиб кўринади ва кўкракка қизиқмай қўяди.

Бола сўриш ҳаракатларини тез-тез, шунда ҳам саёзгина қиласидиган бўлса, у **яхши эмолмаётган бўлади**. Лунжларининг ичига тортиб кетаётганини ҳам кўришингиз мумкин. Лекин сут ютаётганини кўролмайсиз ва эшига олмайсиз. Бола эмишдан қаноат ҳосил қилмайди ва безовта бўлиши мумкин. У йиғлаши, яна эмишга уриниши ёки эмишни узоқ вақт чўзиши мумкин.

Бола бурнининг битиб қолгани унинг эмишига ҳалал бераётгандиган бўлса, бурнини тозалаб қўйинг. Кейин у яхшироқ эма оладиган бўлдими-йўқми, текширинг.




## МАШҚ В

Бу машқда ўқув мақсадларида келтирилган касаллик тарихини видеофильмда кўриб чиқасиз. Болада бактериал инфекция ва диарея бор-йўқлиги хусусида унинг аҳволини баҳолаб, таснифлашни машқ қилиб кўрасиз. Баҳолашда олган натижаларингизни кейинги бетда келтирилган Ёзув Шаклига ёзиб қўйинг. Сўнгра бола касаллигининг таснифини ёзинг.

## 2 ОЙГАЧА БҮЛГАН КАСАЛ ГҮДАКНИ ОЛИБ БОРИШ

Исми \_\_\_\_\_ Ёши \_\_\_\_\_ Вазни \_\_\_\_\_ кг  
 СҮРӘБ КҮРИНГ: Болада қандай муаммолар бор \_\_\_\_\_ Биринчи ташриф \_\_\_\_\_  
**БАХОЛАНГ** (Бор симптомларни айланага олинг) Таккорий ташриф \_\_\_\_\_  
**ТАСНИФЛАНГ**

<b>БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯ ЭХТИМОЛИНИ ИЗЛАВ КҮРИНГ</b>		
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Гүдакни овқатлантиришда муаммолар борми?</li> <li>• Гүдакда шайтонлаш бўлдими?</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Минутдаги нафас сонини сананг. Минутига ____ та. Нафас тезлашган бўлса, кайта сананг ____ та. Нафас тезлашганми?</li> <li>• Кўкрак қафасининг кучли тортилишини изланг.</li> <li>• Кўлтиқ ости хароратини ўлчанг.                             <ul style="list-style-type: none"> <li>- Иситма борлиги (<math>37,5^{\circ}\text{C}</math> даража ва ундан юкори)</li> <li>- Ҳарорат пасайиб кетгани (<math>35,5^{\circ}\text{C}</math> даражадан пастлиги).</li> </ul> </li> <li>• Киндикни кўздан кечиринг. Қизариш ёки йирингли ажралмалар борми?</li> <li>• Теридаги йирингчаларни изланг.</li> <li>• Гўдакнинг харакатларини кўздан кечиринг. Гўдак ухлаёттан бўлса, онасидан уни уйготишини илтимос килинг. Агар гўдак харакат килмаса, секин таъсир кўрсатинг.                             <ul style="list-style-type: none"> <li>- Таъсир кўрсатганда харакат қиласдими?</li> <li>- Таъсир кўрсатишга қарамай харакатсизми?</li> </ul> </li> </ul>	Ҳарорати ____ °С
<b>СЎНГРА САРИҚЛИК БОРЛИГИНИ ТЕКШИРИНГ</b>		
Агар Сариқлик бўлса, СЎРАНГ <ul style="list-style-type: none"> <li>• Қачон биринчи марта саргайиш пайдо бўлди?</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Саргайиш борми (кўз оклигининг ёки тери копламларининг сарик ранги)?</li> <li>• Кафтлар ва оёқ тагларининг саргайиши борми?</li> </ul>	
<b>ГЎДАКДА ДИАРЕЯ БОРМИ?</b>		
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Қачондан бўён? ____ кун</li> <li>• Ахлатида кон борми?</li> </ul>	<b>Ха</b> ____ <b>Йўқ</b> ____ <ul style="list-style-type: none"> <li>• Умумий ахволига каранг. Гўдак:                     <ul style="list-style-type: none"> <li>- Ўзи мустакил харакат қиласдими?</li> <li>- Таъсир кўрсатганда харакат килиб, кейин харакати тўхтаб қиласдими?</li> <li>- Таъсир кўрсатишга қарамай харакати йўқми?</li> <li>- Гўдак безовта ва бетоқатми?</li> </ul> </li> <li>• Изланг, кўзлари киртайдиганми?</li> <li>• Қорин териси бурмасининг реакциясини текширинг. Тери бурмаси: Жуда секин (2 секунддан ортик) текисланади. Секин (2 секундгача) текисланади.</li> </ul>	
<b>Агар гўдакни касалхонага юборишга хожат бўлмаса, ОВҚАТЛАНИШ МУАММОЛАРИ ЁКИ КАМВАЗНИЛИК БОРМИ, ТЕКШИРИБ КҮРИНГ</b>		
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Гўдак кўкракни эмадими? <b>Ха</b> ____ <b>Йўқ</b> ____ Шундай бўлса, 24 соатда неча марта ____ ?</li> <li>• Гўдак бошқа овқат ёки суюқликлар олиб турадими? <b>Ха</b> ____ <b>Йўқ</b> ____</li> <li>• Агар олса, неча марта? ____</li> <li>• Гўдакни овқатлантиришда Сиз нимадан фойдаланасиз?</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Вазининг ёшга мослигини аниқланг.</li> <li>• Оғиздаги яраларни ёки ок карашларни изланг.</li> </ul>	
<b>Агар гўдакда зудлик билан касалхонага юборишни тақозо этадиган бошқа сабаблар бўлмаса:</b> <p>УНИНГ ҚАЙ ТАРИҚА ЭМИЗИЛИШИНИ БАХОЛАНГ:          Гўдак сўнгти бир соат давомида кўкрак эмганми?</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Агар гўдак сўнгти бир соат давомида кўкрак эммаган бўлса, онасидан унга кўкрак бериб кўришини илтимос килинг. Унинг эмишини 4 минут кузатинг.</li> <li>• Гўдак кўкракни олишга кодирми?</li> </ul> <p><b>БОЛАНИНГ КЎКРАККА ҚАНДАЙ ТУТИЛИШИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН МАНА БУЛАРНИ ҶАРАБ КЎРИНГ:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-Болалинг ияги онанинг кўкрагига тегиб турибдими? <b>Ха</b> ____ <b>Йўқ</b> ____</li> <li>-Оғзи катта очилганми? <b>Ха</b> ____ <b>Йўқ</b> ____</li> <li>-Пастки лаби ташкарига қайтарилганми? <b>Ха</b> ____ <b>Йўқ</b> ____</li> <li>-Ареоланинг кўп кисми бола оғзининг пастидан эмас, устидан кўринадими? <b>Ха</b> ____ <b>Йўқ</b> ____</li> </ul> <p>кўкракка умуман тутмалаган      ёмон тутмалаган      яхши тутмалаган</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Гўдак кўкракни яхши эмадими (яъни тўхтаб-тўхтаб, секингина чукур-чукур сўриш харакатларини қиласдими)?</li> <li>• умуман эммайди      яхши эммайди      яхши эмади</li> </ul>		
<b>ГЎДАКНИНГ ЭМЛАНГАНЛИК ҲОЛАТИНИ ТЕКШИРИНГ</b> Бугун эмланиши керак бўлган вакциналар, айланага олинг		Кейинги эмлашга келиш вақти <hr/> (сана)
ВГВ-1      БЦЖ-1      ОПВ-0		
<b>БОШҚА МУАММОЛАРНИ БАХОЛАНГ ОННИНГ САЛОМАТЛИГИ ҲАҚИДА СЎРАНГ</b>		



## МАШҚ Г

Бу машқда Сиз эмизиш вақтида болани, видеофильм ва фотосуратларда күрсатилганидек, күкракка яхши (тұғри) тутиш ва ёмон (нотұғри) тутиш белгиларини аниқлашни машқ қилиб күрасиз.

### 1-қисм – Видеофильм

Бу видеофильмда болани овқатлантириш муаммолари бор-йүқлигини қандай текшириб күриш ва боланинг эмизилишини қандай баҳолаш кераклиги Сизга күрсатилади. Сизге гүдакни күкракка тұғри ва нотұғри тутиш белгилари, унинг яхши эмиши ва яхши эма олмаслиги ҳам күрсатилади.

### 2- қисм – Фотосуратлар

1. 66 – 70 ракамли фотосуратларни дикқат билан күздан кечириң, уларда күкракка тутиб турилган гүдаклар тасвирланған. Болани күкракка яхши тутиш **белгиларидан** ҳар бирини излаб күринг. Ҳар бир белги қандай бўлишини эслаб қолишингиз осон бўлиши учун ҳар қайси фотосурат хусусидаги ўз кузатувларингизни қўйида келтирилган жадвалдаги жавобларга солиштириңг. Болани күкракка тутишнинг **умумий** баҳосига аҳамият беринг.
2. Энди 71 – 74 ракамли фотосуратларни дикқат билан күздан кечириб чиқинг. Ҳар қайси фотосуратдан болани күкракка тұғри тутиш **белгиларидан** ҳар бирини излаб күринг ва унинг бор-йүқлигини жадвалда белгилаб қўйинг. Болани күкракка тутиш хусусидаги ўзингизнинг **умумий** баҳоингизни ҳам ёзиб қўйинг.

Фото сурат	Болани қўкракка тўғри тутиш белгилари					
	Боланинг ияги онасининг кўкрагига тегиб туради	Боланинг оғзи катта очилган	Пастки лаби ташқарига қайрилган	Ареоланинг қўп қисми оғиз устидан кўринади	Бахо	Эслатма
66	Ҳа (деярли)	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Бола тўғри тугилган	
67	Йўқ	Йўқ	Ҳа	Йўқ (ярми устидан, ярми пастидан кўринади)	Бола нотўғри тугилган	
68	Ҳа	Йўқ	Йўқ	Ҳа	Бола нотўғри тугилган	Пастки лаби ичкарига қайрилган
69	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Бола нотўғри тугилган	Лунжлари ичкарига тортилади
70	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Кўринмайди	Бола тўғри тугилган	
71						
72						
73						
74						

3. 75 – 76 рақамли фотосуратларни диққат билан кўздан кечириб чиқинг. Бу фотосуратларда гўдакнинг оғзидаги оқ доғлар (оқарма доғлари) тасвирланг.

Фотосуратларга баҳо бериб бўлганингиздан кейин ўз жавобларингизни ўқитувчи билан муҳокама қилиб чиқинг.

## 1.6. БОЛАНИНГ ОВҚАТЛАНИШИНИ ВА КАМВАЗИЛКИНИ ТАСНИФЛАНГ

Агар гўдакда шошилинч касалхонага йўллаш учун кўрсатмалар бўлмаса, уни овқатлантиришдаги муаммолар ёки ёшга нисбатан кам вазн бўйича таснифланг. Гўдак боладаги белгиларни куйида кўрсатилган ҳамма белгиларга солиштириб кўриб, тўғри келадиган таснифни танланг.

БЕЛГИЛАРИ	ТАСНИФЛАНГ	ДАВОЛАШ
<ul style="list-style-type: none"> <li>Кўкракка ёмон тутилган ёки</li> <li>Кўкракни самарасиз эмади ёки</li> <li>24 соат ичиди 8 мартадан кам эмади ёки</li> <li>Бошқа овқат ёки суюкликлар ичади ёки</li> <li>Вазни ёшига нисбатан кам ёки</li> <li>Оғиз оқармаси (молочница ёки оғиздаги яралар).</li> </ul>	<b>ОВҚАТЛАНИШ МУАММОСИ ЁКИ КАМВАЗИЛК</b>	<p>(Касалхонага юборишдан олдинги шошилинч даволаш ажратиб кўрсатилган)</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Гўдак неча марта хоҳласа, шунча марта, кечаси ҳам, кундузи ҳам эмизишни онасига маслаҳат беринг.</li> </ul> <p>Болага кўкрак нотўғри тутилган ёки кўкракни ёмон эмса, онага гўдакни кўкракка тўғри тувишни ўргатинг. Она суткасига 8 мартадан кам эмизса, унга эмизиш сонини кўпайтиришни маслаҳат беринг.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Агар гўдак овқат ва суюкликларнинг бошқа турларини олаётган бўлса, онага кўпроқ эмизишни, бошқа овқат ва суюкликларни камайтиришни ва албатта уларни пиёлада беришни маслаҳат беринг.</li> </ul> <p>Агар гўдак умуман эмизилмаса: Уни эмизиш ва релактация масалалари билан боғлиқ муаммолар бўйича маслаҳат беринг. Сут аралашмаларини тўғри тайёрлаш ва овқатлантириш учун пиёладан фойдаланиш бўйича маслаҳат беринг.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Оғиз оқармаси бўлса, уй шароитида даволашни онага ўргатинг.</li> <li>Онага гўдакни уйда парваришлашни ўргатинг.</li> <li>Овқатлантиришнинг барча муаммолари ёки оғиз оқармаси бўйича кейинги ташриф 2 кундан сўнг.</li> <li>Камвазилик бўйича кейинги ташриф 14 кундан сўнг.</li> </ul>
• Камвазилик ва нотўғри овқатлантиришнинг бошқа белгилари йўқ.	<b>ОВҚАТЛАНИШ МУАММОЛАРИ ЙЎҚ</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Онага гўдакни уйда парваришлаш бўйича маслаҳат беринг</li> <li>Онани болани тўғри овқатлантиргани учун мактанг.</li> </ul>

### ОВҚАТЛАНИШ МУАММОСИ ЁКИ КАМВАЗИЛК

Бу тасниф оғирлиги ёши учум кам бўлган гўдакларга ёки овқатланишини яхшилаш кераклигига ишора қиласидиган белгилари бор гўдакларга берилади. Гўдак болаларда ана шундай белгилардан кўпинча бир йўла бир нечтаси бўлади.

Ана шундай тасниф берилган гўдакнинг онасида болани кундузи ҳам, кечаси ҳам у қанча истаса шунча марта ва узокроқ эмизиб боришни маслаҳат беринг. Боланинг кўкрак сугига ёлчимай қолишининг асосий сабаби уни қисқа вақт (кам-камдан) эмизишидир. Гўдак бола кўкракни тўйгунича эмиши керак. Бола алоҳида бир парваришга муҳтоҷ бўлса, шу парваришни қилишга, масалан, эмизиш вақтида болани тўғри ҳолатда тутиб, кўкракни тўғри бериш техникасига ёки оғиз оқармасини (молочница) даволашга ўргатинг. Болага уйда парвариш қилиш юзасидан ҳам онага маслаҳат беринг. Гўдак ханузгача кўкракни ола олмаса онага кўкракни соғишни ва гўдакни пиёлача ёрдамида овқатлантиришни ўргатинг.

Ана шундай тасниф берилган гўдак тиббий муассасага яна келиб, тиббий ходимга такроран кўриниши керак. Тиббий ходим боланинг овқатланиши яхшиланганми-йўқми, текшириб кўради ва яна зарур маслаҳатларини беради.

## **ОВҚАТЛАНИШДА МУАММОЛАР ЙҮҚ**

Ана шундай тасниф берилган гүдак тез-тез эмизиб туриладиган ва фақат эмизиб боқиладиган боладир. Оғирлиги ёши учун «кам эмас» деган атама гүдакнинг вазни «Ёши учун Вазни Кам» эгри чизигидан пастда эмаслигини билдиради. Бунда боланинг оғирлиги ёши учун одатдагича ёки яхши бўлиши шарт эмас, лекин бундай бола биз ҳаммадан кўра кўпроқ эътибор беришимиз керак бўлган хавфли гуруҳ қаторига кирмайди.

### **1.7. СЎНГРА ГЎДАКНИНГ ЭМЛАНГАНЛИК ҲОЛАТИНИ ТЕКШИРИБ КЎРИНГ ВА ХАВФСИЗ ИММУНИЗАЦИЯНИ ТАЪМИНЛАНГ**

Гўдакнинг эмланганлик ҳолатини текшириб кўринг. Чақалоқ бола ҳаётининг дастлабки 24 соатида туғруқхонада Гепатит В га қарши эмланиши (ВГВ 1), 2 – 5 куни эса, БЦЖ ва полиовакцина (ОПВ-0) олиши керак.

#### **СЎНГРА ГЎДАКНИНГ ЭМЛАНГАНЛИК ҲОЛАТИНИ ТЕКШИРИБ КЎРИНГ ВА ХАВФСИЗ ИММУНИЗАЦИЯНИ ТАЪМИНЛАНГ:**

<b>ЭМЛАШ ТАҚВИМИ:</b>	<b><u>ЁШИ</u></b>	<b><u>ВАКЦИНА</u></b>
Дастлабки 24 соат 2 – 5 кун	ВГВ 1 БЦЖ 1, ОПВ-0	

### **1.8. БОШҚА МУАММОЛАРНИ БАҲОЛАНГ**

Она кўрсатган ёки болани кўздан кечириш вақтида ўзингиз топган хар қандай бошқа муаммоларни баҳоланг. Ана шундай муаммоларга даво қилишга доир йўл-йўриқлардан фойдаланинг. Болада оғир муаммо бор деб ҳисобласангиз ёки унга қандай ёрдам беришни билмасангиз, уни касалхонага юборинг.

## Касал гўдак ёзув шаклидан фойдаланиши

Қўйида Касал Гўдак Ёзув Шаклининг пастки қисми келтирилган. Унга Сиз боланинг овқатланишига берилган баҳо ва таснифни хамда боланинг оғирлигини ёзиб қўясиз. Боланинг эмизилиши хусусидаги баҳони ҳам ёзиб қўйиш мумкин. Пастида ўтказилган эмлаш ишлари ва бошқа ҳар қандай муаммолар ёзиб қўйиладиган бўлимлар бор. Қўйида келтирилган мисолни ўрганиб чиқинг. Бу форма Жамила исмли киз бола ахволига бериладиган баҳонинг қолган қисмини намойиш қилиб кўрсатиш учун тўлдирилган.

<p><b>СЎНГРА, ОВҚАТЛАНИШ МУАММОЛАРИ ЁКИ КАМВАЗНИЛК БОРМИ, ТЕКШИРИБ КЎРИНГ</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Болани овқатлантиришда қийинчиликлар борми? Ха_Йўқ_v_</li> <li>▪ Бола кўкрак эмадими? Ха_v_Йўқ_</li> </ul> <p>Агар эмадиган бўлса 24 соатда неча маҳал? <u>5</u></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Бола одатда бошқа овқат ёки суюқликлар олиб турдими? Ха_v_Йўқ_</li> </ul> <p>Агар олса, неча марта? <i>Куннинг иккинчи ярмида бир шишача сигир сути, баъзан сув ҳам ичади</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Гўдакни овқатлантириш учун Сиз нимадан фойдаланасиз? <b>шишача</b></li> </ul> <p>Агар гўдакни овқатланишга алоказор қандайdir қийинчиликлар бўлса, кунига 8 мартадан камроқ эмадиган бўлса, бошқа турдаги овқат ёки суюқликлар оладиган болса ёки оғирлиги ўзининг ёши учун кам бўлса ва уни зудлик билан касалхонага юборишини тақозо этадиган бошқа сабаблар бўлмаса:</p> <p><b>УНИНГ ЭМИЗИЛИШИНИ БАҲОЛАНГ</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Гўдак сўнгти бир соат давомида кўкрак эмганми? Агар гўдак сўнгти бир соат давомида кўкрак эммаган бўлса, онасидан унга кўкрак бериб кўришни илтимос қилинг. Унинг эмишини 4 минут кузатинг.</li> </ul> <p>▪ Гўдак бола кўкрак олишга кодирми? Боланинг кўкракка қандай тутилишини текшириш учун мана буларни караб кўринг:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Бола ияги онасишнинг кўкрагига тегиб турибдими Ха_v_Йўқ_</li> <li>- Оғзи катта очилганми Ха_v_Йўқ_</li> <li>- Пастки лаби ташқарига қайрилганми Ха_v_Йўқ_</li> <li>- Ареоланинг кўп қисми бола оғзининг пастидан эмас, устидан кўринадими Ха_v_Йўқ_</li> </ul> <p>кўкракка умуман тутмилмаган ёмон тутмилган <b>яхши тутмилган</b></p> <p>▪ Гўдак кўкракни яхши эмаяпдими (яъни тўхтаб-тўхтаб, секингина чукур-чукур сўриш харакатларини киладими)? умуман эммайди яхши эммайди <b>яхши эмади</b></p>	<p><b>Овқатланиш муаммоси ёки Камвазник</b></p>
<p><b>ГЎДАКНИНГ ЭМЛАНГАНЛИК ҲОЛАТИНИ ТЕКШИРИНГ</b> Бугун эмланиши керак бўлган вакциналар, тагини чизиб қўйинг</p> <p><b>Сепатит В</b> <b>БЦЖ</b> <b>ОГВ</b></p>	<p>Кейинги эмлашга келиш вақти <b>5 ҳафтадан кейин</b></p>
<p><b>БОШҚА МУАММОЛАРНИ БАҲОЛАНГ ОННИНГ САЛОМАТЛИГИ ҲАҚИДА СЎРАНГ</b></p>	



## МАШҚ Д

Сиз Б машқда 7 та ҳолни ўрганишга киришган эдингиз, бу машқда шу ишни давом эттирасиз. Б машқни бажаришда ишлатилган еттита Касал Гўдак Ёзув Шаклини олинг. Агар зарур бўлса, *КАСАЛ ГЎДАК* схемаси ва боланинг оғирлигини ёшига нисбатан аниқлаш жадвалидан фойдаланинг.

Ҳар бир ҳол хусусида:

1. Бола аҳволига бериладиган баҳонинг қолган қисми баёнини ўқиб чиқинг. Кўшимча баҳолаш натижаларини гўдакнинг Ёзув Шаклига ёзиб қўйинг.
2. Гўдакнинг оғирлиги ёши учун камми-йўқми, буни аниқлаш учун бола оғирлигини ёшига нисбатан аниқлаш жадвалидан фойдаланинг.
3. Боланинг овқатланишини таснифланг.
4. Боланинг эмланганлик ҳолатини текширинг. Бугун қандай эмлаш ишларини ўтказиш кераклигини ва кейинги сафар эмлаш учун бола тиббий муассасага яна қачон келиши лозимлигини ёзиб қўйинг.

### 1- ҳол. Олим

Олимнинг онаси боламни овқатлантиришда муаммолар пайдо бўлиб қолди, деб айтди. Боласини у 24 соат давомида 8 марта эмизар экан. Онаси болага хеч қандай бошқа овқат ёки ичимликларни бермайди. Тиббий ходим бола оғирлигини ёшига нисбатан аниқлаш жадвали ёрдамида Олимнинг оғирлиги (3,5 кг) унинг (3 хафталик) ёши учун кам эмаслигини билиб олди.

Тиббий ходим боланинг эмизилишига баҳо бериш ишларини ўтказмасликка қарор қилди. У боланинг эмланганлиги ҳақида онасидан суриштириб кўрганида, онаси Олимнинг уйда туғилгани ва эмланмаганлигини айтди.

### 2- ҳол. Хилола

Тиббий ходим Хилоланинг онасидан уни овқатлантиришда муаммолар борми, деб сўраб кўрганида онаси: йўқ, деб жавоб берди. У 24 соат давомида қизчани 9 ёки 10 марта эмизишини ва болага хеч қандай бошқа суюқликлар бермаслигини айтди. Сўнгра тиббий ходим Хилоланинг оғирлиги билан ёшини билиб олиш учун Ёзув Шаклининг устки қисмидаги ёзувларга қаради. Бола оғирлигини ёшига нисбатан аниқлаш жадвали ёрдамида у Хилоланинг оғирлиги ёшига тўғри келиш-келмаслигини текшириб кўрди. Тиббий ходим боланинг эмизилишига баҳо бериб ўтиришнинг зарурияти йўқ, деб қарор қилди. Хилоланинг онасида эҳтиётдан эмлаш картаси бор. Унда қизчанинг туғилганидан кейин туғруқхонада Гепатит В<sub>1</sub>, БЦЖ ва ОПВ-0 вакциналарни олгани ёзиб қўйилган. Тиббий ходим Хилоланинг онасидан

қизчада қандай бўлмасин бошқа муаммолар борми, деб сўраб кўрганида онаси: йўқ, деб жавоб берди.

### **3- ҳол. Бахтиёр**

Бахтиёрнинг онаси болани эмизиб боқишида муаммолар йўқ, деб айтди, у 24 соат давомида болани 6 ёки 7 марта эмизар экан. Онаси бу болага бошқа ҳеч қандай сут ёки суюқликлар бермас экан. Тиббий ходим боланинг оғирлиги ёшига тўғри келиш-келмаслигини текшириб кўрди. Тиббий ходим боланинг эмизилишини баҳолаб чиқишига қарор қилди. Онаси энди боланинг қорни очган бўлса керак деб, унга кўкрак тутди. Тиббий ходим Бахтиёрнинг ияги онасининг кўкрагига тегиб туришини, боланинг оғзи катта очилиб, пастки лаби ташқарига қайрилганини топди. Ареоланинг катта қисми оғизнинг пастидан эмас, балки устидан кўринади. Бола сўриш ҳаракатларини тўхтаб-тўхтаб, секингина чукур-чукур қилиб турибди. Онаси бола обдон тўйиб олгунича эмизишни давом эттирас экан. Тиббий ходим боланинг оғзида яралар ёки оқ доғлар топгани йўқ.

Бахтиёр ҳеч эмланган эмас.

### **4-ҳол. Азим**

Азимнинг онаси болани фақат кунига 4 маротаба овқатлантиришини айтди. Тиббий ходим гўдакни ёшига нисбатан вазнини текширди ва Азим ёшига нисбатан вазни камлигини аниқлади. (2,2 кг). 1 ҳафталик бола. Тиббий ходим болани кўкрак билан эмизиб кўришни лозим топмади, чунки гўдакни оғир сариқлик ташхиси билан касалхонага жўнатиш зарур эди.

### **5 –ҳол. Аниса**

Анисанинг онаси қизчани кўкрак билан 6-7 маротаба эмизишини айтди. У гўдакка фақат кўкрак сутини беради. Тиббий ходим қизчани вазнини аниқлади ва унинг вазни ёшига нисбатан кам эмаслигини айтди (3,2 кг). Тиббий ходим қизчани эмизиб кўришни онасидан илтимос қилди. Кизча кўкракка тўғри қўйилди ва эмиши самарали эди. Гўдакнинг оғзида оқ доғлар йўқ. Онасидан эмланганлиги ҳақида сўрашганда, у қизчани уйда туғилганлигини айтди.

### **6-ҳол. Жаннат**

Сўраганимизда, Жаннатнинг онаси қизчасини кунда 3 маҳал кўкрак билан боқишини айтди. Шунингдек, у қизига кунига 3 марта сунъий аралашмани шиша идиш орқали берар экан. Шундан сўнг, тиббий ходим кўкрак билан боқишини баҳолашга қарор қилди. Жаннатни бир соат олдин эмизганлигига қарамай, она кўкрак бериб кўришга рози бўлди. Тиббий ходим қизча оғзининг тепаси ва пастида ареоланинг бир хил катталиқдаги қисми кўриниб турганлигини аниқлади. Унинг оғзи тўлиқ очилмасдан, лаблари олдинга чўччайиб турар, ияги эса она кўкрагига тегмас эди. Қизчанинг сўрувчи ҳаракатлари тез ва юзаки эканлиги аниқланди. Жаннат кўкрак эмиб бўлгандан сўнг, тиббий ходим унинг оғиз бўшлигини кўздан кечирди ва яралар ёки оқ доғлар борлигини топмади. Жаннатнинг онасида эмлашлар картаси бўлиб, унда қизча ВГВ 1, БЦЖ ва ОПВ 0ни олганлиги ёзилган. Онанинг айтишича, қизчада бошқа биронта ҳам муаммо йўқ.

### **7-ҳол. Озода**

Озоданинг онасини айтишича, қизча касал бўлмагунча унда овқатланиш билан боғлиқ муаммо бўлмаган, энди эса кечадан буён овқат емай кўйган. Ўтган кеча у бироз кўкрак эмган. Она,

одатда гўдагини 24 соат ичида 8 марта кўкрак билан боқиб, бошқа ҳеч қандай суюқлик бермайди. Тиббий ходим қизчанинг вазнини текшириб қўрди. Озода овқатлана олмаганлиги ва шу туфайли зудлик билан касалхонага юборилиши лозим бўлганлиги сабабли, тиббий ходим унинг кўкрак билан боқилишини баҳоламади. Онасининг айтишича, қизча уй шароитида туғилган бўлиб, ҳеч қандай эмлашларни олмаган.

Бу машқни бажариб бўлганингиздан кейин жавобларингизни ўқитувчи билан муҳокама қилиб чиқинг.

## **2.0. ТҮФРИ КЕЛАДИГАН ДАВОНИ БЕЛГИЛАНГ**

Гүдакдаги ҳар бир касаллик учун ГҮДАК схемасида тавсия этилган давони топинг. Уни Ёзув Шаклида кўрсатиб қўйинг.

### **2.1. ГҮДАК ЗУДЛИК БИЛАН КАСАЛХОНАГА ЮБОРИШГА МУХТОЖМИ, АНИҚЛАНГ**

Гўдакда ЎТА ОФИР КАСАЛЛИК таснифи бўлса, демак, у зудлик билан касалхонага юборишга муҳтож.

Гўдакда ОФИР САРИҚЛИК таснифи бўлса, демак, у касалхонага юборишга муҳтож.

Гўдакда ОФИР СУВСИЗЛАНИШ бўлса ва ЎТА ОФИР КАСАЛЛИК таснифи бўлмаса, у В режага мувофиқ суюқликларни венадан юбориш йўли билан регидратация ўтказишга муҳтож бўлади. Агар Сиз суюқликларни венадан юбориш йўли билан қилинадиган давони уddeлай олсангиз, гўдакни амбулаторияда даволаб боришингиз мумкин. Акс ҳолда суюқликларни венадан юбориш йўли билан даво қилиш учун уни дарҳол касалхонага юборинг.

Гўдакда бир вақтнинг ўзида ОФИР СУВСИЗЛАНИШ ва ЎТА ОФИР КАСАЛЛИК таснифлари бўлса, уни дарҳол касалхонага юборинг. Йўлда онаси болага ОРВнинг паст осмоляр эритмасини култумлаб бериб туриши ва уни эмизишни давом эттириб бориши керак.

### **2.2. ЗУДЛИК БИЛАН КАСАЛХОНАГА ЮБОРИШГА МУХТОЖ БЎЛМАГАН ГҮДАК УЧУН ДАВО БЕЛГИЛАНГ**

Схема ёрдамида ҳар бир тасниф учун керакли давони белгиланг. Қилинадиган зарур давони, онага берилган маслаҳатларни ва кейинги текширув учун тиббий муассасага яна қачон келиш кераклигини ёзиб қўйинг.

Гўдаклар учун кейинги текширув айниқса муҳим. Боланинг ахволи ёмонлашиб қолганини кейинги текширув вақтида билиб қолсангиз, бундай болани касалхонага юборишингиз керак. Сариклик алломатлари бўлган гўдаклар бир кундан кейин тиббий муассасага қайта келиши керак. Маҳаллий бактериал инфекцияга даво қилиш учун антибактериал препаратлар олаётган бола кейинги текширув учун 2 кундан сўнг тиббий муассасага яна келиши керак. Овқатланишида муаммоси бўлган ёки оғиз оқармаси бор бола ҳам 2 кундан кейин яна тиббий муассасага келиши лозим. Оғирлиги ёши учун кам бўлган бола кейинги текширув учун тиббий муассасага 14 кундан кейин яна келиши керак.

### **2.3. ГҮДАКНИ КАСАЛХОНАГА ЮБОРИШДАН ОЛДИН ҚИЛИНИШИ КЕРАК БЎЛГАН ШОШИЛИНЧ ДАВОНИ БЕЛГИЛАНГ**

Болани зудлик билан касалхонага юборишидан олдин Сиз даво мақсадида ҳамма зарур чора-тадбирларни ўтказишингиз керак. Болани касалхонага юборишидан олдин қилиниши зарур бўлган шошилинч даво турлари схемада қора харфлар билан ажратилган. Давонинг баъзи турлари борки, болани касалхонага юбориш олдидан булар билан овора бўлиш керак эмас, чунки улар болани касалхонага юбориши кечикириши мумкин. Масалан, маҳаллий инфекцияга даво қилишни болани касалхонага юбориш олдидан онасига ўргатиб ўтириш керак эмас. Болани касалхонага юбориш олдидан эмлаш ишларини ҳам қилманг.

## **2.4. БОЛАНИ КАСАЛХОНАГА ЮБОРИШДАН ОЛДИН ҚИЛИНИШИ КЕРАК БҮЛГАН ШОШИЛИНЧ ДАВОНИ ЎТКАЗИНГ**

Куйида болани касалхонага юборишдан аввал қилиниши зарур бўлган шошилинч даво турлари келтирилган:

➤ Агар болада ЎТА ОФИР КАСАЛЛИК таснифи бўлса, мускуллар орасига юбориладиган антибиотикларнинг биринчи дозасини беринг. (Дориларни юбориш усуллари 3.2. бўлимда келтирилган).

➤ Керакли антибиотикни оғиз орқали беринг. Агар гўдакда маҳаллий инфекция аломатлари бўлиб, оғиз орқали ичадиган антибиотик зарур бўлса, ва мускуллар орасига антибиотик юборилмаган бўлса, антибиотикнинг биринчи дозасини касалхонага юборишдан олдин беринг.

### **Гипогликемиянинг олдини олинг**

➤ *Агар гўдак қўкракни эма олса:*

Онадан гўдакни қўкрак билан эмизишини сўранг.

➤ *Агар бола қўкракни эма олмаса, юта олмаса:*

Болани касалхонага юборишдан олдин 20-50 мл соғилган сут беринг.

Соғилган сут беришнинг иложиси бўлмаса 20-50 мл ширин сув беринг. (Ширин сув тайерлаш учун 4 чой қошиқ шакарни 200 мл пиёладаги сувга солиб аралаштиринг).

➤ *Агар бола юта олмаса:*

20-50 мл (10мл/кг) соғилган сут ёки ширин сувни назогастрал зонд орқали беринг).

➤ Болани зудлик билан касалхонага юборинг, йўлда онаси унга ОРВнинг паст осмомоляр эритмасини тез-тез қултумлаб бериб бориши керак. Болани эмизиб боришни давом эттириш кераклиги тўғрисида онасига маслаҳат беринг.

➤ Касалхонага бориш йўлида гўдакни иссиқ ушлаш зарурдир.

- Гўдакни қандай қилиб исиқ тутиш кераклиги тўғрисида онасига маслаҳат беринг,
- Тери-терига мулоқотини таъминланг, ёки
- Гўдакни иложи борича иссиқ кийинтиринг. Бошига қалпок, танасига иссиқ кийим кийдириб, кўрпага ўранг.

➤ Агар гўдакда ОФИР САРҒАЙИШ аломатлари бўлса, Сиз касалхонага юборишдан олдин ЎТА ОФИР КАСАЛЛИКДА кўрсатиладиган ёрдамни берасиз (антибиотикнинг биринчи дозасидан ташқари).

➤ Агар гўдакда ОФИР СУВСИЗЛАНИШ ВА ЎТА ОФИР КАСАЛЛИК аломатлари бўлса касалхонага зудлик билан юборинг ва йул бўйи қултумлаб ОРСнинг паст осмоляр эритмасини ичириш кераклигини ўргатинг. Қўкрак билан боқишини онасига маслаҳат беринг.

## **2.5. ГҮДАКНИ КАСАЛХОНАГА ЮБОРИНГ**

Гүдакни касалхонага юбориша худди бирмунча катта ёшдаги бола мисолидагидек амал қилинг. Йўлланма картасини тайёрланг ва гўдакни нима учун касалхонага юбораётганингизни онасига тушунтиринг. Онанинг касалхонага бориш йўлида нималар қилиши кераклигини, масалан, болани иситиб бориши ва ОРВнинг паст осмомоляр эритмасини қултумлаб ичириб туриши лозимлигини айтиб беринг.

Бунга қўшимча қилиб, гўдакларнинг айниқса ҳимоясиз бўлишини тушунтиринг. Улар оғир касал бўлганида касалхонага боришга муҳтож бўлади ва фурсатни қўлдан бермай, у ерда тегишлича даво олиши керак. Баъзи одамлар орасида гўдакни касалхонага юбориша МОНЕЛИК ҚИЛАДИГАН фикрлар юради. Бундай ҳолда Сиз боланинг дардига касалхонада даво қилиш ҳаммадан яхши наф беришини онасига йўриғи билан тушунтириб, уни шунга ишонтиришингиз керак.

Она боласини касалхонага олиб боришни истамайдиган бўлса, *БОЛАНИ ДАВОЛАНГ* модулининг 2-Иловасида “Агар касалхонага юборишнинг иложи бўлмаса”, деб келтирилган йўл-йўриқларга амал қилинг.

### **3.0. КАСАЛ ГҮДАКНИ ДАВОЛАНГ ВА ОНАГА МАСЛАҲАТЛАР БЕРИНГ**

Гүдак болани даволашга доир йўл-йўриқлар *ГЎДАК* схемасида келтирилган. Уларнинг хаммаси гүдак болаларни даволаш учун мослаштирилган ва *БОЛАНИ ДАВОЛАНГ* схемасида келтирилган йўл-йўриқлар ўрнига татбиқ этилиши керак. Масалан, *ГЎДАК* схемасида антибактериал препаратлар ва уларнинг дозалари гүдак болалар учун мослаштирилган. Диареяга суюқликлар билан даво қилиш режалари ва гипогликемияга профилактик даво қилиш хусусидаги йўл-йўриқлар бундан мустасно. *БОЛАНИ ДАВОЛАНГ* схемасидаги А, Б ва В режалар хамда «Болада гипогликемияга даво қилинг» жадвали гүдакларни даволашда ҳам татбиқ этилади.

#### **3.1. ИЧИЛАДИГАН АНТИБАКТЕРИАЛ ПРЕПАРАТНИНГ ТЎҒРИ КЕЛАДИГАНИНИ БЕРИНГ**

Маҳаллий бактериал инфекцияга даво қилиш учун *ГЎДАК* схемасидаги жадвалдан фойдаланиб, тавсия этиладиган антибактериал препаратни аниқлаб олинг. Сўнгра боланинг оғирлигига қараб унинг дозасини белгиланг.

##### **Маҳаллий бактериал инфекцияда ичиладиган антибактериал препаратнинг тўғри келадиганини беринг:**

Антибактериал препарат – Амоксициллин

БОЛАНИНГ ЁШИ ёки ОФИРЛИГИ	АМОКСИЦИЛЛИН (25 мг/кг-бир марталик доза)	
	ТАБЛЕТКАЛАРИ 250 МГ	СИРОПИ 5 МЛ ДА 125 МГ
Туғилгандан то 1 ойликкача (<4 кг)	1/4	2,5 мл
1 ойликдан 2 ойликкача (4 – 8 кг)	1/2	5 мл

Антибактериал препаратни уйда ичириб туришни онага ўргатиш учун *БОЛАНИ ДАВОЛАНГ* схемасида кўрсатилган босқичларга амал қилинг. Яъни битта дозани ўлчаб олишни унга ўргатинг. Таблеткани қандай қилиб эзиб, кўкрак сутига аралаштириш кераклигини онага кўрсатиб беринг. Биринчи дозани ичиришда унга кўмаклашинг ва даволаш графигини тушунтиринг. Онанинг ҳатти-ҳаракатларини кузатиб боринг ва антибактериал препаратни қандай қилиб ичириш кераклигини у билиб олганига ишонч ҳосил қилиш учун тегишли саволларни бериб кўринг.

### **3.2. МУСКУЛЛАР ОРАСИГА ЮБОРИЛАДИГАН АНТИБИОТИКЛАРНИНГ БИРИНЧИ ДОЗАСИНИ БЕРИНГ**

Гүдакларга мускуллар орасига юбориладиган антибиотикларнинг иккитаси берилади: мускуллар орасига юбориладиган Гентамицин ва мускуллар орасига юбориладиган Ампициллин. ЎТА ОФИР ИНФЕКЦИЯ таснифи бўлган гўдакларга каттароқ болалардагига қараганда кўпинча анча ҳар хил турдаги бактериялар юқсан бўлади. Гентамицин билан Ампициллинни бирга ишлатиш кенг доирадаги бактерияларга қарши яхши таъсир қиласди.

#### **Антибактериал препаратнинг биринчи дозасини мушак орасига юборинг**

- Ампициллиннинг биринчи дозасини мушак орасига юборинг ва
- Гентамициннинг биринчи дозасини мушак орасига юборинг

ОФИРЛИГИ	АМПИЦИЛЛИН Доза: 50 мг ҳар 1 кг га	ГЕНТАМИЦИН	
		Таркибида 80 мг (40 мг/мл) бўлган 2 мл ли флаконга 6 мл стерилланган сув қўшинг, таркиби 80 мг*=8 мл (10 мг/мл)	ЁШИ 7 кундан кам Доза: 5 мг ҳар 1 кг га
1-<1,5 кг	0,4 мл	0,6 мл*	0,9 мл*
1,5-<2 кг	0,5 мл	0,9 мл*	1,3 мл*
2-<2,5 кг	0,7 мл	1,1 мл*	1,7 мл*
2,5-<3 кг	0,8 мл	1,4 мл*	2,0 мл*
3-<3,5 кг	1,0 мл	1,6 мл*	2,4 мл*
3,5-<4 кг	1,1 мл	1,9 мл*	2,8 мл*
4-<4,5 кг	1,3 мл	2,1 мл*	3,2 мл*

\* Суюлтирилмаган 40мг/мл ли гентамицинни ишлатманг.

ЎТА ОФИР ИНФЕКЦИЯСИ бўлган гўдаклар хусусида тутиладиган энг яхши йўл – уларни касалхонага юборишдир. Агар бунинг иложиси бўлмаса, лоакал 5 кун давомида ампициллин ва гентамицин беринг. Гўдакнинг ёши 1 ҳафтадан кам бўлса ампициллинни мушак орасига кунига 2 марта, гўдакнинг ёши 1 ҳафта ва ундан катта бўлса, кунига 3 марта юборилади. Гентамицин кунига бир марта юборилади.

#### **Гентамицинни ишлатиш**

Гентамицин флаконига ёпиширилган ёрлиғини ўқиб чиқиб, препаратнинг концентрациясини аниклаб олинг. Препаратни суюлтирилмаган ҳолда ишлатиш мумкинми ёки уни стерил сув билан суюлтириш керакми, текшириб кўринг. Препарат 10 мг/мл концентрацияда ишлатилиши керак.

Дозасини боланинг ёшига кўпроқ тўғри келадиган жадвал қаторидан танлаб олинг.

#### **Ампициллини ишлатиш**

500 мг ли ампициллин флаконига 2,6 мл стерилланган сув қўшинг. Бунда 3,0 мл аралашмага 500 мг ампициллин тўғри келади. Жадвалдан гўдак вазнига тўғри келадиган дозани танланг.


ЎТА ОФИР КАСАЛЛИК бўлган гўдакларни касалхонага юбориш мумкин бўлмаса, уларни мускуллар орасига юбориладиган шу антибиотиклар ёрдамида даволашни давом эттириб

бориш мумкин. Бу давога тааллуқли йўл-йўриқлар *БОЛАНИ ДАВОЛАНГ* модулининг “Агар касалхонага юборишнинг иложи бўлмаса”, деган Д Иловасида келтирилган.

### **3.3 . САРҒАЙИШНИ ДАВОЛАНГ**

Сарғайиши кузатилган гўдаклар ҳеч қандай муаммоси бўлмаган гўдаклар каби уй шароитидаги парваришга муҳтождирлар. Улар ҳеч қандай давога муҳтож эмас.

Аммо, онага гўдакнинг қўл кафтлари ва оёқ тагларида сариқлик пайдо бўлса, зудлик билан мурожаат қилишни тушунтириш лозим. Қўшимча равишда гўдакни кузатиб боришингиз ва 1 кундан кейин сарғайишнинг кўпайган ёки камайганлигини баҳолашингиз лозим. Мабодо гўдакнинг ёши 14 кунликдан катта бўлса, уни аҳволини баҳолаш учун касалхонага юборинг.



## МАШҚ Е

Бу машқда Сиз зарур даво турларининг ҳаммасини аниклаб, гўдакларга тўғри келадиган антибактериал препаратлар ҳамда уларнинг дозаларини кўрсатиб берасиз. Агар зарур бўлса, ГЎДАК схемасидан фойдаланинг.

Б ва Д машқларни бажаришда фойдаланган Касал Гўдак Ёзув Шаклларини олинг.

Ҳар бир ҳол учун:

1. Боланинг аҳволини хотирага тушириш учун гўдак касаллигини баҳолаш ва таснифлаш хусусида ёзув шаклида зикр этиб қўйилган натижаларни кўриб чиқинг. Гўдакларнинг бири беҳуш ётгани ва унга ичириладиган дори препаратини бериш, балки, мумкин бўлмаслигига ва боланинг кўқрак эма олмаслигига аҳамият беринг. Гўдакларнинг бири ой-куни етмасдан туғилган бола эканига ҳам эътибор беринг.
2. Гўдак зудлик билан касалхонага юборишга муҳтоҷми-йўқми, аниқланг. Агар муҳтоҷ бўлса, факат шошилинч равишда қилиш зарур бўлган даво турларинигина ёзиб қўйинг. Агар бунга муҳтоҷ бўлмаса, тавсия этиладиган барча даво турлари ва онасига бериладиган маслаҳатларни ёзув шаклининг орқа томонига ёзиб қўйинг.
3. Бола антибактериал препаратга муҳтоҷ бўлса, унга бериш зарур бўлган препаратнинг номи, дозалари ва даволаш графигини ҳам ёзиб қўйинг.

Бу машқни бажариб бўлганингиздан кейин ўз жавобларингизни ўқитувчи билан муҳокама қилиб чиқинг.

### **3.4. ДИАРЕЯГА ДАВО ҚИЛИШ УЧУН – БОЛАНИ ДАВОЛАНГ СХЕМАСИГА ҚАРАНГ**

Диарея давосига доир йўл-йўриқлар хусусида Гўдак схемаси **БОЛАНИ ДАВОЛАНГ** схемасига қарашни тавсия этади. Диареяга уйда даво қилишга мўлжалланган А режани ва диарея билан оғриган бирмунча каттароқ болада регистратация ўтказишга мўлжалланган Б ва В режаларни Сиз энди ўрганиб чиққансиз. Лекин шу даво режаларини гўдак бола учун татбиқ этишининг баъзи хусусиятлри бор, Сиз шуларни ёдда тутишингиз керак.

#### **А режа: Диареяга уйда даво қилинг**

Диарея билан оғриган барча гўдаклар ва бирмунча каттароқ болалар сувсизланишнинг олдини олиш мақсадида қўшимча суюқликка ва озиқ моддалар олиб туриш учун эмизишни давом эттириб боришга муҳтож бўладилар. Гўдак болани қўшимча суюқлик билан таъминлаш ва эмизишни давом эттиришнинг энг яхши усули болани анча тез-тез ва бирмунча узокроқ вақт давомида эмизиб туришдир. Гўдак болага қўшимча равишда ОРВнинг паст осмомоляр эритмаси ва тоза сув сингари суюқликларни бериб турса бўлади. Бола фақатгина эмизиб боқилаётган бўлса, озиқ-овқат маҳсулотлари асосида тайёранган суюқликларни беришни бошламаслик жуда муҳим.

Гўдак бола уйда ОРВнинг паст осмомоляр эритмасини оладиган бўлса, ҳар сафар ичи кетганидан кейин болага қанча эритма бериш кераклигини онасига кўрсатишингиз керак. У олдин болани аввал эмизиши, кейин эса ОРВнинг паст осмомоляр эритмасини бериши керак. Диарея барҳам топганидан кейин болага ОРВнинг паст осмомоляр эритмасини беришни тўхтатиш кераклигини онасига эслатиб қўйинг.

#### **Б режа: Ўртача сувсизланишга даво қилинг**

ЎРТАЧА СУВСИЗЛАНГАН гўдак бола ОРВнинг паст осмомоляр эритмасини, Б режада тасвирланганидек, олиб туришга муҳтож бўлади. Регистратациянинг дастлабки 4 соати мобайнида бола эмишни истаган заҳоти уни эмизиш учун танаффуслар қилишни, кейин яна ОРВнинг паст осмомоляр эритмасини бериб боришни онасидан илтимос қилинг. Бола эмизилмасдан боқилаётган бўлса, унга шу вақт давомида 100 – 200 мл тоза сув беринг.

### **3.5. ҲАР БИР ГЎДАКНИ ТЕГИШЛИЧА ЭМЛАНГ**

Гўдак болага бугун зарур бўлган эм дориларнинг ҳаммасини эмланг. Келаси сафар эмлаш учун болани қачон олиб келиш кераклигини онасига тушунтиринг.

### **3.6. МАҲАЛЛИЙ ИНФЕКЦИЯНИ УЙДА ДАВОЛАШНИ ОНАГА ЎРГАТИНГ**

Гўдак болаларда онаси уйда даво қилса бўладиган уч хил маҳаллий инфекция бўлади: киндик қизариши ёки ундан йиринг келиб туриши, тери йирингчалари ва оғиз оқармаси (молочница). Бундай маҳаллий инфекцияларнинг давоси бирмунча катттароқ болаларнинг оғиз яраларига қилинадиган даво билан бир хил. Баданнинг касалланган жойини она кунига икки маҳал тозалаб, кейин унга генцианвиолет қўйиб туриши керак. Оғиз бўшлиғига даво қилиш учун тенг баравар суюлтирилган генцианвиолет ишлатилиши лозим.

#### **Онага маҳаллий инфекцияни уй шароитида даволашни ўргатинг**

Даволашни қандай олиб бориш кераклигини онага тушунтиринг.

Амбулатория шароитида она даволашни биринчи марта қандай олиб бораётганини кузатинг.  
Агар гўдакнинг аҳволи ёмонлашса, қайта келишни онага тушунтиринг.

<b>Теридаги йирингчаларни ёки киндик инфекциясини даволаш учун</b>  Онага даволашни 1 кунда 2 марта, 5 кун мобайнida ўтказиш кераклигини айтинг.	<b>Оғиз оқармаси, оғиздаги яраларни даволаш учун</b>  Онага даволашни 1 кунда 4 марта, 7 кун мобайнida ўтказиш кераклигини айтинг.
<p>Она:</p> <ul style="list-style-type: none"><li>• Кўлларини совун билан ювиши,</li><li>• Эҳтиётлик билан йиринг ва қатқалоқни совунли сув билан ювиши,</li><li>• Терини қуритиши,</li><li>• 0,5% генцианвиолет эритмаси билан артиши,</li><li>• Кўлларини совун билан ювиши керак.</li></ul>	<p>Она:</p> <ul style="list-style-type: none"><li>• Кўлларини совун билан ювиши,</li><li>• Тоза матони бармоққа ўраб, тузли сувга ботириши ва боланинг оғзини артиши,</li><li>• Оғизни тенг баробар суюлтирилган (0,25%) генцианвиолет билан артиши,</li><li>• Кўлларини совун билан ювиши керак.</li></ul>

Давони қандай қилиш кераклигини онага тушунтириб, қўрсатиб беринг. Сўнгра унинг давони қай тариқа олиб боришини кузатиб кўринг. Агар зарур бўлса, унга ёрдам беринг. Икки кундан кейин ёки инфекция кучаядиган бўлса, бундан эртароқ она тиббий муассасага яна келиши керак. У генцианвиолетни ишлатишни 5 ва 7 кундан кейин тўхтатиши лозим. Кунига икки ва тўрт марта даво қилиб туриш кераклигини ва тиббий муассасага яна қачон келиш зарурлигини она эслаб қолганига ишонч ҳосил қилиш учун унга тегишли саволларни бериб кўринг.

Она бадан терисидаги йирингчалар ёки киндик инфекциясига даво қилиши керак бўлса, унга бир шиша суюлтирилмаган (0,5% ли) генцианвиолет беринг.

Она оғиз оқармаси (молочница)га даво қилиши керак бўлса, унга бир шиша тенг баравар суюлтирилган (0,25% ли) генцианвиолет беринг.

### **3.7. БОЛАНИ ТҮҮФРИ ҲОЛАТДА ТУТИБ, КҮКРАК БЕРИШГА ОНАНИ ҮРГАТИНГ**

#### **Боланинг күкракка нотүүри тутилиши ва яхши эма олмаслигининг сабаблари**

Боланинг күкракка НОТҮҮФРИ тутилиши ва яхши эмолмаслигига бир неча сабаб бор. Болани, айниңса, туғилганидан кейинги дастлабки бир неча кун давомида шишачадан овқатлантиришган бўлишлари мумкин. Онаси бола эмизиш юзасидан етарли тажрибага эга бўлмаслиги мумкин. Унда қандай бўлмасин қийинчиликлар юзага келгану, ҳеч ким унга ёрдам ёки маслаҳат беролмаган бўлиши мумкин. Масалан, бола кичкина ёки заиф ёки онаси күкрагининг учлари ясси бўлиши ёхуд болани эмизишга кеч киришилган бўлиши мумкин.

Бола онасининг күкрагига нисбатан НОТҮҮФРИ ҳолатда тутилган бўлиши мумкин. Боланинг ҳолати жуда муҳим, чунки бола ҳолатининг НОТҮҮФРИ бўлиши айниңса илк босқичларда, аксари боланинг күкракни яхши ололмай қолишига сабаб бўлади. Бола ТҮҮФРИ ҳолатда тутиладиган бўлса, боланинг күкрак олиши ҳам, ҳар қалай, яхши бўлади.

Боланинг ТҮҮФРИ ҳолати қўйидаги белгиларга қараб аниқланади:

- Боланинг боши ТҮҮФРИ тутилган ёки салгина орқага энгашган.
- Боланинг танаси онаси томонга ўгирилган.
- Боланинг танаси онасининг танасига яқин туради ва
- Онаси боланинг бутун танасини тутиб туради.

Боланинг НОТҮҮФРИ ҳолати қўйидаги белгилардан бирортасига қараб аниқланади:

- Боланинг боши ён томонга бурилган ёки олдинга энгашган.
- Боланинг танаси онаси томонга ўгирилмаган.
- Боланинг танаси онасининг танасидан узоқда ёки
- Онаси боланинг боши ёки бўйини тутиб туради.



**Боланинг танаси онасининг танасига яқин ва она қўкрагига қаратиб тутилган**

**Боланинг танаси онасининг танасидан нарида, боши ён томонга ўгирилган**

## **Боланинг ҳолати ва кўкракка тутилишини яхшилаш**

Боланинг эмизилишига баҳо бераётган пайтингизда унинг кўкракка тутилиши ёки кўкракни эмишида қандай бўлмасин, бирор қийинчилик борлигини топган бўлсангиз, боланинг ҳолати ва кўкракка тутилишини яхшилашда онага ёрдам беринг. Онанинг ўзини бамайлихотир ва эркин сезаётганига ишонч ҳосил қилинг, масалан, уни суюнчиқли пастрок стулга ўтқазиб қўйинг. Сўнгра қуида келтирилган жадвалдаги босқичларга амал қилинг.

### **ОНАГА ГЎДАКНИ ТЎҒРИ УШЛАШНИ ВА КЎКРАККА ТЎҒРИ ТУТИШНИ ЎРГАТИНГ**

#### ***Онага гўдакни қандай тўғри ушилаш кераклигини кўрсатинг:***

- Боланинг боши ва танаси бир текисликда,
- Тана ва юзи кўкракка қараган ва бурун сўргич сатҳида,
- Боланинг танаси онасининг танасига яқин,
- Она боланинг бўйини ва елкасини эмас, балки бутун танасини ушлаб туради.

#### ***Онага гўдакни қандай қилиб кўкракка тўғри тумтишини кўрсатинг.***

- Боланинг ияги онанинг кўкрагига тегиб туради;
- Оғзи катта очилган;
- Пастки лаби ташқарига қайрилган;
- Ареоланинг кўп қисми бола оғзининг пастидан эмас, устидан кўринади.

Кўкракка тўғри тутилганлик ва самарали эмиш белгиларини изланг. Кузатинг. Агар бола кўкракка нотўғри тутилиб, самарасиз эмаётган бўлса, маслаҳатни қайтадан бошланг.


Онага ёрдам беришдан олдин қандай муаммолар борлигини аниқ билиб олиш учун онанинг боласини қандай эмизаётганини албатта кузатиб кўринг. Ҳамма нарсани бирдан бошқача қилишга онани дарров мажбурламанг. Онанинг ёрдамга муҳтожлигини пайқасангиз, кўнгилни кўтарадиган бирор гап айтинг, масалан:

«Қизчангиз эммоқчи бўлиб, жуда талпиниб турибдия, шунақамасми?» деб кўринг.

Сўнгра нима ёрдам бериши мумкинлигини тушунтириб берингда, буни қандай қилиш кераклигини кўрсатиб берайми, деб сўраб кўринг. Масалан, Сиз тахминан мана бундай дейишингиз мумкин:

«Бола оғзини катта очиб, кўкракнинг каттагина қисмини оладиган бўлса, уни эмизиш Сиз учун анча қулай бўлади. Истайсизми, буни қандай қилиш кераклигини кўрсатиб бераман?»

Агар она розилик билдиrsa, унга ёрдам беришни бошлашингиз мумкин.



**Бола кўкракка тутилишга тайёр.  
Унинг бурни она кўкраги учининг рўпарасида турибди, оғзи катта очилган.**

Болани қандай қилиб ТЎҒРИ ушлаш ва кўкракка тутишни кўрсатиб бераётганингизда уни онасидан олиб қўйманг. Она қилиши керак бўлган нарсани унга тушунтириб, кўрсатиб беринг. Кейин онага унинг ўзи болани ушлаши ва кўкракка тутиши учун имкон бериб қўйинг.

Сўнгра боланинг кўкракка ТЎҒРИ тутилгани ва яхши эмаётганига хос белгиларни яна бир марта излаб қўринг. Боланинг кўкракка тутилиши ёки кўкракни эмиши НОТЎҒРИ бўлса, онасидан бола эмизишни тўхтатиб, ишни яна бир марта такрор кўришни илтимос қилинг.

Агар бола яхши эмаётган бўлса, уни ҳар сафар эмизиш пайтида кўкракни етарлича узоқ вақт бериб туриш муҳимлигини онага уқтиринг. Она боласини у неча марта истаса, шунча марта эмизиб туриши керак.

### **3.8. ОНАНИ КЎКРАК СУТИНИ СОФИШГА ЎРГАТИНГ**

Одатда, кўкрак сутини соғиши яхши сўра олмайдиган, лекин ютиш рефлекси сақланиб қолган (камвазилик билан туғилган болалардаги каби) гўдакларни овқатлантириш учун лозимdir. Кўкрак сутини соғиши, ундаги сут тўпланиб қолишини камайтириш, яхши сўра олмайдиган гўдакни овқатлантириш, она ёки бола касал бўлса, она ишга ёки бирон бошқа жойга бориши лозим бўлса, кўкрак сути заҳирасини яратиш учун фойдалидир. Кўкрак сути билан эмизаётган она ва гўдак парвариши билан машғул бўлган барча тиббий ходимлар оналарни кўкрак сутини соғишига ўргата олишлари лозим.


Кўкракни соғишининг энг қулай усули кўл билан соғишидир. Ушбу усул учун маҳсус ускуналар талаб этилмайди ва аёл хоҳлаган пайтида, хоҳлаган жойида уни бажариши мумкин. Сутни кўкрак юмшоқ пайтида соғиши осон бўлиб, сут безида сут тўпланиб қолиб, оғриқ пайдо бўлганда, соғиши анча қийинчилик туғдиради. Шунинг учун хам, онани сутини соғишига туғруқдан сўнгги 1-2 кунда ЎРГАТИНГ. Кўкракда сут тўлиқ тўпланадиган 3- кунни кутманг.

Кўпчилик оналар турли хил усул билан етарлича сут соға оладилар. Она қўллаётган усул унга маъкул бўлса, ушбу усул билан соғишни давом эттиришга рухсат беринг. Мабодо, она қўллаётган усули билан етарлича сут соғиб ола олмаётган бўлса, унга самаралироқ усулларни ЎРГАТИНГ.

Кўкрак сутини соғиш учун пиёла, стакан ёки бўғзи кенг идишни танланг. Онадан идишларни совунли сув билан ювишини илтимос қилинг. Қайнатилган сув кўпчилик микроорганизмларни ҳалок этади. Она кўкрагини соғишга тайёр бўлиши билан ликобдаги сувни тўкиб ташланг.

**Ҳар бир аёл ўз кўкрагини ўзи соғиши лозим.** Мабодо, бу ишни бегона шахс бажармоқчи бўлса, сут безларини шикастлаши мумкин. Мабодо, Сиз онага соғишни ўргатаётган бўлсангиз, кўпроқ ўзингизда кўрсатинг, айни пайтда, она Сизнинг харакатларингизни ўзида қайтарсинг. Мабодо, Сиз ўзингизда кўрсатишни хоҳламасангиз, кўкрак муляжидан, кўлингизни ёки лунжингизни юмшоқ қисмидан фойдаланинг. Она кўкрагини қандай сиқишини кўрсатаётганингизда жуда ҳам эҳтиёткорлик билан муомалада бўлинг.

Она сутини биринчи кундан, иложи бўлса, туғуруқдан сўнгги биринчи биринчи соатдан бошлиб соға бошлиши лозим. Аввалига у бир неча томчи оғиз сути соғиши мумкин, лекин бу кўкрак сутининг ажralиб чиқишига, гўдак эма бошлагани каби ёрдам бериши мумкин. Она иложи борича кўпроқ ва боласини неча марта эмизса, шунча марта сутини соғиши лозим. У камида, ҳар 3 соатда бир марта, шу жумладан кечаси ҳам, сутини соғиши керак. Мабодо, камроқ сут соғса ёки соғишлар ўртасидаги интервал узокроқ бўлса, унинг кўкраклари етарли миқдорда сут ишлаб чиқара олмаслиги мумкин.



## **Онага қандай қилиб кўкрак сутини соғишни ўргатинг**

Онадан қуидагиларни бажаришни илтимос қилинг:

- Кўлларини тозалаб ювишни.
- Қулай ҳолатни эгаллашни.
- Сўрғичи ва ареоласининг тагига оғзи кенг идишни тутиб, ушлаб туришни.
- Кўлининг бош бармоғини кўкрагининг тепа қисмига, кўрсаткич бармоғини пастки қисмига, яъни, бир-бирига қарама-қарши қўйишни (кўкрак сўрғичидан камида 4 см узоқликда).
- Сут безини бош ва кўрсаткич бармоқлар ўртасида бир неча марта сиқиб, кейин қўйиб юборишни.
- Агар, сут пайдо бўлмаса, она бош ва кўрсаткич бармоқларини сўрғич томонга суриб, аввалгидай кўкракни яна бир неча марта сиқиб – қўйиб юбориши лозим.
- Сут безини айланасига, турли нуқталарида сиқиб-қўйиб юбориши ва бунда бармоқлар сўрғичдан бир хил масофада бўлиши лозим. Бу ҳаракатлар эҳтиёткорлик билан, сўрғич ёки терига шикаст етказмасдан бажарилиши керак.
- Соғишни кўкракдан сут сизиб чиқа бошламагунга қадар давом эттириш ва факат шундан сўнггина иккинчи кўкракка ўтиш ва уни ҳам сут сизиб чиқа бошлагунча соғиш лозим.
- Ҳар бир кўкракни навбатма-навбат, 5-6 марта, камида 20-30 минут давомида соғиш керак.
- Соғишни сут сизиб чиқиши тугаши билан тўхтатиш мумкин, лекин, яна қайта соға бошлашингиз билан сут томчилари пайдо бўлади.

### **3.9. ОНАНИ ПИЁЛАДА ОВҚАТЛАНТИРИШГА ЎРГАТИНГ**

Мабодо, гўдак эма олмаса, у соғилган сут билан, пиёла ёрдамида овқатлантирилиши лозим. Она эмиза олмаган ёки хоҳламаган ҳолда, гўдак кўкрак сути ўрнини босувчилар билан, пиёла ёрдамида овқатлантирилиши лозим. Пиёла ёрдамида овқатлантириш шиша идишдан фойдаланишга қараганда хавфсизроқдир, чунки:

- Қайнатишнинг иложи бўлмаса, пиёлани осонлик билан совунли сувда ювиш мумкин.
- Пиёлаларни ўзлари билан олиб юриш эҳтимоли шиша идишга нисбатан кам бўлиб, бу эса бактериялар ривожланиш эҳтимолини ҳам камайтиради.
- Пиёлани, гўдак мустақил равишда овқатланиши учун унинг ёнида қолдириб кетишнинг иложи йўқ. Гўдакни пиёла ёрдамида овқатлантираётган шахс уни ушлаб туриши ва назорат қилиши лозим, бу эса, бола учун зарур бўлган мулоқотни таъминлайди.
- Пиёла кўкракни сўриш учун тўсқинлик қилмайди.
- Пиёла гўдак қабул қилаётган овқатни назорат қилиб туришга имкон беради.

### **Онани пиёлада овқатлантиришга ЎРГАТИНГ**

- Сут тўкилса ифлосланмаслиги учун, гўдакнинг кўкрагига салфетка тутинг.
- Гўдакни тиззангизда ярим вертикал ҳолатда ушлаб ўтиринг.
- Пиёлага сутни ўлчаб қуйинг.
- Пиёлани шундай ушлангки, унинг қирраси пастки лабга bemalol тегиб турсин.
- Гўдакнинг лабига сут тегиши учун пиёланинг чеккасини бироз кўтаринг.
- Сутни ичиш учун гўдакнинг ўзига имкон беринг. Гўдакнинг оғзига сутни ҚУЙМАНГ.

Одатда пиёлача билан овқатлантириш қошиқ билан овқатлантиришдан афзалроқ. Чунки қошиқ билан овқатлантириш күпроқ вақтни эгаллайди. Қошиқ билан овқатлантириш айниұса кечаси қийинроқ.



Қошиқ билан овқатлантирилған баъзи болалар вазнини қийинроқ олади. Лекин агар она қошиқ билан овқатлатиришни афзал күрса ва етарлича овқатлантира олса, қошиқ билан овқатлантиришни давом қылсın. Ундан ташқари агар гүдак касал бўлиб, нафас олишда қийналаётган бўлса қошиқ билан овқатлантириш кулайроқдир.

Агар она кичик вазндан бола учун керагидан ортиқроқ сут соғса унда кўкрагидаги сутининг иккинчи қисмини бошқа пиёлачага соғишины таклиф қилинг, чунки орқа сутда бола учун керак озиқ моддалар кўпроқдир.

#### **Болани овқатлантиришдаги бошқа муаммолар юзасидан онага маслаҳат беринг**

\* Она боласини 24 соат давомида 8 мартадан камроқ эмизадиган бўлса, бола эмизиш маҳалларини кўпайтиришни унга маслаҳат беринг. У боласини кундузи ҳам, кечаси ҳам, гўдак неча марта истаса шунча марта ва шунча узоқ эмизиб туриши керак.

\* Гўдак бола бошқа овқат ёки суюқликлар оладиган бўлса, онага болани кўпроқ эмизиб, бошқа овқат ва суюқликлар ҳажмини камайтиришни ва, иложи бўлса, бошқа овқат ва суюқликлар беришдан воз кечишини маслаҳат беринг. Бошқа суюқликларни болага шишачадан эмас, балки пиёладан беришни онага маслаҳат қилиб кўрсатинг.

\* Она боласини мутлақо эмизмайдиган бўлса, уни болани эмизиб боқиши ва балки релактация қилиш масалалари юзасидан маслаҳат беринг. Агар она астойдил истайдиган бўлса, болани эмизиб боқиши масалалари бўйича тиббий ходим қийинчиликларни енгишда унга ёрдам бериши ва болани эмизишни йўлга қўйиши мумкин.

Боласини эмизмасдан боқадиган онага сунъий аралашмалардан ТЎФРИ келадиган аралашмани танлаш ва ТЎФРИ тайёрлаш масалалари юзасидан онага маслаҳат беринг (*ОНАГА МАСЛАҲАТ БЕРИНГ* модулининг 3.1. бўлимига қарабасин).

Овқатланишида муаммолари бор гўдакни 2 кундан кейин яна текшириб кўринг. Агар Сиз боланинг овқатланишига каттагина ўзгартиришлар киритишни тавсия этган бўлсангиз, бу – айниұса мухим.

#### **3.10. КАМВАЗНЛИ ГЎДАКНИ ЎЙДА ҚАНДАЙ ИСИТИШ КЕРАКЛИГИГА ОНАНИ ЎРГАТИНГ**

Гўдакнинг тана ҳарорати  $36,5^{\circ}\text{C}$  и  $37,4^{\circ}\text{C}$  оралиғида сақлаш жуда мухим ҳисобланади. Тана ҳарортининг паст бўлиши бемор гўдакка салбий таъсир этади ва ўлим хавфини оширади. Камвазн туғилган гўдаклар тана ҳароратини кузатиб бориш туғилгандан камвазнлик бўлмаган гўдаклардагига нисбатан юқори эътиборни талаб қиласди.

Онага гўдакни хона ҳарорати илиқ шароитда (хона ҳарорати 25°C дан паст бўлмаган) ўз тўшагида парваришлаш хақида маслаҳат беринг. Онадан камвазн болани чўмилтирмасликни ва уни ҳар доим қуруқ ушлашни илтимос қилинг. Яна онага вақти-вақти билан гўдакнинг қўл ва оёқларини иссиқлигини текшириш учун ушлаб кўришни тавсия қиласиз. Агар боланинг қўл ва оёқлари совук бўлса, уларни иситишнинг энг яхши усули – терига-тери контактидир. Бу усул билан болани совук хонада музлашини олдини олиш мумкин. Терига-тери контакти она ёки бошқа инсон томонидан бажарилиши мумкин. Катта одам танаси гўдакка иссиқлик улашади.


### **Камвазн гўдакни уй шароитида қандай иситиш кераклигини онага ўргатинг**

- Гўдакни она билан бир тўшакда ушланг.
- Хона ҳароратини иссиқлик манбалари ёрдамида 25°C дан паст бўлмаган даражада сақланг. Хонада совук шамолли елвизак йўқлигига ишонч хосил қилинг.
- Камвазн гўдакни чўмилтирманг. Агар чўмилтироқчи бўлсангиз, буни иссиқ хонада иссиқ сув ёрдамида амалга оширинг ва чўмилтириб бўлгандан сўнг гўдакни қуруқ бўлгунча артиб, кийинтиринг.
- Гўдакнинг кийимини (масалан, пеленкасини) ҳар гал у нам бўлганда алмаштиринг.
- Терига-тери контактини иложи борича узок, кундузи ва кечаси давом эттиринг. Терига-тери контакти учун:
  - Болага олд тугмалари қадаладиган илиқ кўйлак, иштонча, қалпоқча ва пайпоқ кийдиринг.
  - Гўдакни терига-тери контактида онанинг кўкрак қафасига, кўкрак безлари оралиғига бошини ён тарафга қараган ҳолатида жойлаштиринг.
  - Гўдакнинг танасини онанинг кийими билан ёпинг (совук кунда қўшимча иссиқ кўрпача билан).
  - Терига-тери контактни бўлмаган пайтда, ҳар доим гўдакни яхши кийинтирган ва ўрантирган ҳолда ушланг. Қўшимча яна болага қалпоқча ва пайпоқ кийдиринг, юмшоқ ва қуруқ пеленкага эркин ўранг ва кўрпача билан ёпинг.
  - Гўдакнинг қўл ва оёқларини иссиқлигига ишонч хосил қилиш учун тез-тез текширинг. Агар улар совук бўлса, терига-тери контактни ёрдамида иситинг.
  - Гўдакни кўкрак билан тез-тез эмизинг (ёки согилган кўкрак сутини пиёлача ёрдамида беринг).

Гўдакни терига-тери контактида ушлаш учун онани ҳоли қолдирган ҳолатда, уни ўзига қулай ўтириб олишини ёки орқага суюнишини сўранг:

- Онадан болани ечинтиришни сўранг, қалпоқча, иштонча ва пайпоқдан ташқари.
- Гўдакни кўкрак қафасига, кўкрак безлари оралиғига терига-тери контактида вертикал ва чўзилган ҳолатида жойлаштиринг.
- Гўдакнинг бошини ён томонга қаратинг, нафас йўллари тўсилмаслиги учун.
- Гўдакни онанинг кўйлаги билан ёпинг, кейин эса иккаласини қўшимча кўрпача билан ўранг.
- Онани гўдакни кўкраги билан тез-тез эмизишини сўранг.

Агарда терига-тери контактининг иложиси бўлмаса гўдакни кийинтиринг ва ўранг, бунда унинг боши, қўли ва оёғи ҳам ўралиши лозим. Гўдакни парваришловчи билан иситкичлар билан иситилган хонада ушланг. Онани гўдакни кўкрак сути билан тез-тез эмизишини айтинг.



## МАШҚ Ж

### 1-қисм – Видеофильм

Сиз боланинг ҳолати ва кўкракка тутилишини яхшилашда онага ёрдам бериш босқичларини намойиш этадиган видеофильмни кўриб чиқасиз.

### 2- қисм – Фотосуратлар

Бу машқда Сиз фотосуратларни диққат билан кўриб чиқиб, боланинг ТЎҒРИ ва НОТЎҒРИ ҳолатлари ҳамда кўкракка тутилишини кўрсатадиган белгиларни ажратиб олишни машқ қилиб кўрасиз. Ҳамма тайёр бўлганидан кейин ҳар бир фотосурат гурухда муҳокама қилиб чиқиласди. Боланинг ҳолати ва қўкракка тутилишини яхшилашда онага ёрдам бериш учун тиббий ходимнинг нималар қилиши мумкинлигини муҳокама қилиб чиқасиз.

1. 77 - 79 ракамли фотосуратларни диққат билан кўриб чиқинг, буларда кўкракка тутилган болалар тавсирланган. Уларнинг ҳар бири учун боланинг ТЎҒРИ ҳолатини кўрсатадиган белгиларни топинг. Гўдакнинг ТЎҒРИ ва НОТЎҒРИ ҳолати қандай бўлишини эслаб қолишни осонлаштириш учун ҳар бир фотосурат хусусидаги ўз кузатувларингизни қуида келтирилган жадвалдаги жавобларга солиштириб кўринг.
2. Энди 80 – 82 ракамли фотосуратларни диққат билан кўздан кечиринг. Бу суратларда ТЎҒРИ ҳолат белгиларини излаб кўринг ва ҳар бир белги бор-йўқлигини жадвалда белгилаб кўйинг. Мазкур ҳолат ТЎҒРИ ҳолатми-йўқми, буни ҳам аниқланг.

Фото- сурат лар	ТЎҒРИ ҳолат белгилари				Боланинг кўкракка тутилишига доир изоҳлар
	Боланинг боши ва танаси ростланган	Боланинг боши ва танаси кўкракка қараган	Боланинг танаси онасининг танасига яқин	Онаси боланинг бутун танасини тутиб туради	
77	ҳа	ҳа	ҳа	ҳа	
78	ҳа	ҳа	ҳа	ҳа	

Фото-сурат лар	ТҮҮРИ ҳолат белгилари				Боланинг кўкракка тутилишига доир изоҳлар
	Боланинг боши ва танаси ростланган	Боланинг боши ва танаси кўкракка қараган	Боланинг танаси онасининг танасига яқин	Онаси боланинг бутун танасини тутиб туради	
79	йўқ - бола боши ёнга бурилган	йўқ	йўқ - онанинг танасига қарамаган	йўқ	Кўкракка НОТҮҮРИ тутилган: боланинг оғзи катта очилмаган, пастки лаби ташқарига қайрилмаган, ареоланинг ярми устидан, ярми пастидан кўринади
80					
81					
82					

Машқни тугатганингиздан кейин ўқитувчига айтинг. Ҳамма тайёр бўлганидан кейин гурух мухокамаси ўтказилади.

### **3.11. БОЛАГА УЙДА ПАРВАРИШ ҚИЛИШ ЮЗАСИДАН ОНАГА МАСЛАХАТ БЕРИНГ**

БАРЧА касал гүдакларга уйда парвариш қилиш ишининг асосий босқичлари бор. Ҳар бир онага шу босқичларни ЎРГАТИНГ.

#### **ОНАГА ГҮДАКНИ УЙ ШАРОИТИДА ПАРВАРИШ ҚИЛИШ БУЙИЧА МАСЛАХАТ БЕРИНГ**

##### **1. ГҮДАКНИ ФАҚАТ ОНА СУТИ БИЛАН ОВҚАТЛАНТИРИНГ**

Фақат она сути беринг. Гүдакни соғлом ёки касал бўлишига қарамай фақат она сути билан кечаю кундуз, тез-тез, неча марта хоҳласа, шунча эмизинг.

##### **2. ГҮДАКНИ ДОИМО ИССИҚ ҲОЛАТДА БЎЛИШИНИ ТАЪМИНЛАНГ**

Совуқ ҳавода гүдакнинг бошини ва оёғини ўранг, устига қўшимча кийим кийдиринг.

##### **3. ҚАЧОН ҚАЙТИБ КЕЛИШ**

Кейинги ташриф		Қачон яна дарҳол келиш зарур
Агар гүдакда:	Кейинги кўрикка	Қуйидаги симптомлардан бирортаси пайдо бўлса онага яна дарҳол қайтиб келишини тушунтиринг:
• САРИҚЛИК	1 кундан кейин	<ul style="list-style-type: none"><li>• Ёмон эмса ёки ёмон ичса</li><li>• Уйқучан ёки карахт бўлса</li><li>• Аҳволи ёмонлашса</li><li>• Иситма чиқса</li><li>• Бадани совуқ бўлса</li><li>• Нафаси тезлашса</li><li>• Нафаси қийинлашса</li><li>• Товоң ва кафтларда сариқлик пайдо бўлса</li></ul>
• МАҲАЛЛИЙ БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯ	2 кундан кейин	
• ОВҚАТЛАНИШДАГИ ҲАР ҚАНДАЙ МУАММО		
• ДИАРЕЯ		
• ОФИЗ ОҚАРМАСИ (МОЛОЧНИЦА)		
• ВАЗНИ ЁШИ УЧУН КАМ	14 кундан кейин	

##### **ГҮДАКНИ ФАҚАТ КЎКРАК СУТИ БИЛАН БОҚИНГ:**

Болани тез-тез эмизиб туриш унинг организмини озиқ моддалар билан таъминлайди ва сувсизланиб қолишининг олдини олишга ёрдам беради.

##### **БОЛАНИ ДОИМ ИССИҚ САҚЛАШ УЧУН ҲАММА ЧОРАЛАРНИ КЎРИНГ:**

Боланинг доим иссиқ бўлиши жуда муҳим (лекин ҳаддан ташқари иссиқ шароитларда эмас). Ҳароратнинг пастлиги ўз ҳолича гүдакнинг нобуд бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

##### **ЯНА ҚАЧОН КЕЛИШ КЕРАК:**

*Кейинги текширув* учун тиббий муассасага яна қачон келиш зарурлигини онага тушунтиринг.

Қандай симптомлар пайдо бўлиб қолганида тиббий муассасага **дарҳол келиши зарурлигини** ҳам унга тушунтиринг. Юқорида санаб ўтилган белгилар пайдо бўлиб қолишини кузатиб бориш жуда муҳим. Мана шундай белгиларни аниқлаб олишни онага ЎРГАТИНГ. Белгиларни онага тушунтириш ва уларни эслаб қолишда унга ёрдам бериш учун «Она Эслатмаси» дан фойдаланинг. Онанинг қайси пайтларда тиббий муассасага яна дарҳол келиш зарурлигини тушуниб олганини текшириб кўриш учун унга тегишли саволларни бериб кўринг.



### 3 - МАШҚ

Бу машқда Сиз касал гўдакларга қилинадиган баъзи даво турларининг босқичларини тақрорлайсиз.

Д машқда 2- ҳол – Хилола ва 6- ҳол – Жаннат учун тўлдирган Касал Гўдак Ёзув Шаклини олинг. Агар зарур бўлса, ГЎДАК схемасидан фойдаланинг.

Ҳар бир ҳол учун:

1. Бола ахволини баҳолаш, касалликни таснифлаш натижаларини ва зарур даво турларини яна бир марта кўриб чиқинг.
2. Ҳар бир ҳолга даво қилиш юзасидан қуйида келтирилган қўшимча саволларга жавоб беринг.

#### 2- ҳол. Хилола

1. Хилола антибактериал препаратлар ёрдамида даволанишга қўшимча равишда ундаги маҳаллий инфекцияга, яъни думбаларидаги йирингчалар бўйича уйда ҳам даволанишга муҳтож. Бу боланинг терисидаги йирингчаларга уйда даво қилиш учун онасининг бажариши керак бўлган ишларни қуйида кўрсатиб ўтинг.

\*

\*

\*

\*

\*

2. Теридаги йирингчаларга она нечоғлик тез-тез даво қилиб туриши керак?

3. Хилола «гўдакнинг уйдаги парвариши» га ҳам муҳтож. Онага қандай учта асосий маслаҳатни бериш керак?

\*

\*

\*

4. Тиббий муассасага қачон яна келиш тўғрисида Хилоланинг онасига Сиз нима деган бўлар эдингиз?

## **6- ҳол. Жаннат**

1. Антибактериал препаратлар билан даволанишга қўшимча равища Жаннат Б режага мувофиқ ЎРТАЧА СУВСИЗЛАНИШГА даво қилишга ҳам мухтож. Давонинг дастлабки 4 соати мобайнида Жаннатга қанча ОРВнинг паст осмомоляр эритмаси бериш керак?

Дастлабки 4 соат давомида унга бошқа суюқликлар бериш керакми? Агар керак бўлса, қандай суюқликларни бериш лозим?

2. Болалар ОРВнинг паст осмомоляр эритмасини олиб бўлгунларича тиббий ходим ОРВнинг паст осмомоляр эритмасини қандай тайёрлаш кераклигини ОРП бурчагида бир нечта оналарга ўргатиб қўйди. 4 соат даволашдан кейин тиббий ходим Жаннатнинг аҳволини такрор марта баҳолади. Қизча хотиржам. Терисининг бурмаси дархол текисланади. Тиббий ходим боланинг касаллигини СУВСИЗЛАНИШ ЙЎҚ деб таснифлади ва давони давом эттириш учун А режани танлади.

Тиббий ходим диарея пайтида Жаннатнинг қўшимчаа суюқликларга мухтож бўлишини онасига тушунтириди. Болани суюқликлар билан қўшимча равища таъминлаб туришнинг энг яхши йўли уни тез-тез ва ҳар сафар узокроқ эмизиб туриш эканлигини онасига уқдирди.

Тиббий ходим онасига Жаннатга уйда ичириб туриш учун икки пакет паст осмомоляр ОРВ ҳам берди.

ОРВнинг паст осмомоляр эритмасини уйда ичириб туриш тўғрисида тиббий ходим боланинг онасига яна нималарни айтиши керак?

3. Тиббий ходим эмизиш пайтида боланинг ҳолатини ва кўкракка тутилишини яхшилаш юзасидан ОРП бурчагида 4 соат мобайнида Жаннатнинг онасига ёрдам ҳам бера олди. Болани овқатлантириш масалалари юзасидан у яна қандай маслаҳатларни бериши керак?

Бу машқни бажариб бўлганингиздан кейин ўз жавобларингизни ўқитувчи билан мухокама қилиб чиқинг.

Ўқитувчингиз гўдакларнинг онасига бериладиган асосий маслаҳатларни такрорлаш машқини ўтказади.

#### **4.0. БЕМОР ГҮДАҚДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ**

Онасидан гүдакнинг муаммолари тўғрисида сўранг. Сиз гүдакнинг ушбу касаллик бўйича амбулаторияга келиши бирламчими, ёки кейинги кўрикка келганми, аниқлашингиз керак. Буни қандай қилиб билиб олиш Сизнинг амбулаториянгизга мурожаат этган касалларни қайд этиш жараёнига ва келган bemorlarни нима мақсадда мурожаат этганини сўрашга боғлиқ. Масалан:

- Она Сизга ёки бошқа тиббий ходимга гүдакни аниқ бир муаммо бўйича кейинги кузатувга келганлигини айтиши мумкин.
- Агар Сизнинг тиббиёт муассасангизда кейинги кузатувга қачон келиш кераклиги ёзилган талон берилса, онасидан талонни кўрсатишни илтимос қилинг.
- Агар амбулаторияда ҳар бир bemorга амбулатория картаси юритилса, Сиз картага қараб гүдакни ушбу муаммо билан бир неча кун олдин мурожаат этганими-йўқми, билишингиз мумкин.

Гүдакни амбулаторияга кейинги кузатувга олиб келишганларини аниқ билганингиздан кейин, онасидан асосий муаммолардан ташқари бошқа янги муаммолар пайдо бўлганми йўқми, сўранг. Агар гүдакда **бошқа янги муаммолар** пайдо бўлган бўлса, гүдакни биринчи кўрув вақтида кўргаётганингиздек текширинг.

**Кейинги кузатувга келган барча гүдакларда ЎТА ОҒИР КАСАЛЛИК белгилари бор-йўқлигини текширинг.**

Агар гүдакда янги муаммолар бўлмаса, гүдакдаги аввалги таснифга тегишли *КЕЙИНГИ КУЗАТУВ* рамкасини топиб, ундаги тавсияларга амал қилинг.

*КЕЙИНГИ КУЗАТУВ* рамкасида кўрсатилган тавсиялар бўйича ҳолатини баҳоланг.

- Гүдакнинг ҳолатини таснифлаш учун таснифлаш устунидан фойдаланманг. Бу Сизга гүдакка айнан бир хил ва керак бўлмаган даволаш муолажаларни қайта тавсия этишдан химоя қиласди. Бу ерда битта истисно бор. Агар гүдакда диарея бўлса, гүдакни биринчи ташрифдагидек баҳолаш, таснифлаш ва даволаш керак.
- Мос даволаш муолажаларни танлаш учун гүдакдаги аниқланган белгилардан фойдаланинг.
- Даволашни ўтказинг.

Агар гүдакнинг ахволи даволаш натижасида **яхшиланмаса**, унинг таснифи схемада келтирилган таснифга тўғри келмаганлигини кўрсатади. Гўдак касалхонага юборишдан олдин керакли даволашга муҳтоҷ бўлиши мумкин.

Баъзи гүдакларда **даволаш муолажалари олиб борилишига қарамай, ўзгариш бўлмайди** ва улар бир неча маротаба амбулаторияга мурожаат этишади. Бундай ҳолатларда уларни касалхонага тўлиқ текшириш ва даволаш учун жўнатиш керак.

Бундай ташқари агар Сиз чақалоқ **соғлиги учун хавотирланаётган бўлсангиз** ва нима қилишни билмасангиз касалхонага жўнатинг. Гўдакнинг ахволи даволаш натижасида ижобий томонга ўзгармаса унда бошқа касаллик бўлиши мумкин. Бу гўдаклар бошқа даволаш муолажаларига муҳтоҷ бўладилар.

## **4.1. МАҲАЛЛИЙ БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ**

ГЎДАК схемасининг *КЕЙИНГИ КУЗАТУВ* бўлимидаги МАҲАЛЛИЙ БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯ рамкасига қаранг.

Касаллиги МАҲАЛЛИЙ БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯ деб таснифланган гўдак 2 кундан кейин кейинги кузатувга келганда қутилашни йўриқномаларга амал қилинг:

- Киндикни кўздан кечиринг. Қизариш ва йиринглаш борми? Қизариш киндик атрофига тарқаганми?
- Теридаги йирингчаларни кўздан кечиринг. Улар кўпми ёки каттами?

**Даволаш:**

- Агар **киндикнинг йиринглаши ва қизариши сақланиб қолган бўлса ёки кўпайган бўлса**, гўдакни касалхонага юборинг. Агар йиринглаш ва қизариш **камайган бўлса**, онага антибактериал воситани 5 кун давомида бериб, маҳаллий инфекцияни уйда даволашни давом эттиришни тушунтиринг.
- Агар **теридаги йирингчалар ўзгармаган ёки кўпайган бўлса**, гўдакни касалхонага юборинг. Агар йирингчалар **камайган бўлса**, онага антибактериал воситани 5 кун давомида бериб, маҳаллий инфекцияни уйда даволашни давом эттиришни тушунтиринг.
- Гўдакнинг тузалишига қарамай антибактериал воситани 5 кун давомида бериш мухимлигини онасига тушунтиринг. Шу билан бирга маҳаллий инфекцияни 5 кун давомида даволашни (киндик ёки теридаги йирингчаларни ювиб, генцианвилет билан артишни) давом эттириши керак.

## **4.2. САРИҚЛИКДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ**

ГЎДАК схемасининг *КЕЙИНГИ КУЗАТУВ* бўлмида келтирилган САРИҚЛИК рамкасига қаранг.

САРИҚЛИК таснифи билан гўдак 1 кундан кейин кейинги кузатувга келганда қутилашни тавсияларга қаранг:

- Қаранг, сариқлик борми? Кафт ва товоналарда сариқлик борми?

**Даволаш:**

- Агар **қўл кафтлари ва оёқ товоналарида сариқлик бўлса**, ОФИР САРИҚЛИК деб таснифлаб касалхонага юборинг.
- Қўл кафтлари ва оёқ товоналарида сариқлик бўлмаса, лекин **сариқлик биринчи кўрув пайтидагига нисбатан камаймаган бўлса**, онага уй шароитида парвариш қилиш бўйича маслаҳат беринг ва сариқлик тугамагунча 1 кундан кейин кейинги кузатувга келишини тайинланг.
- Сарғайиши **камайиб бораётган бўлса**, онани мақтанг ва уй шароитида парваришни давом эттиришни маслаҳат беринг. Гўдак 2 хафталик бўлганда кейинги кузатувга келишини тайинланг.

- Сарғайиш 2 ҳафтадан ортиқ сақланиб турса, ахволини баҳолаш учун касалхонага юборинг.

#### **4.3. ДИАРЕЯДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ**

ГҮДАК схемасидаги *КЕЙИНГИ КУЗАТУВ* бўлимида келтирилган ДИАРЕЯ рамкасига қаранг. ДИАРЕЯ таснифи билан гўдак 2 кундан кейин кейинги кузатувга келганда қуидаги йўриқларга амал қилинг:

- Сўранг: - Диарея тўхтадими?

**Даволаш:**

- Агар диарея тўхтамаган бўлса, "Гўдакда диарея борми" рамкасида кўрсатилганидек баҳоланг, таснифланг ва даволанг.
- Агар диарея тўхтаган бўлса, онасиға фақат кўкрак сути билан овқатланишни давом эттиришини маслаҳат беринг.

#### **4.4. ОВҚАТЛАНИШ МУАММОЛАРИ БИЛАН КЕЛГАН ГЎДАКДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ**

ГҮДАК схемасидаги *КЕЙИНГИ КУЗАТУВ* бўлимида келтирилган ОВҚАТЛАНИШ МУАММОЛАРИ рамкасига қаранг.

ОВҚАТЛАНИШ МУАММОСИ таснифи билан гўдак 2 кундан кейин кейинги кузатувга келганда қуидаги тавсияларга амал қилинг:

- Овқатлантиришни қайта баҳоланг. «Овқатлантириш муаммолари ёки камвазнлик бор-йўқлигини текшириб кўринг» бўлимига қаранг. Агар гўдак кўкрак сути билан овқатланаётган бўлса, кўкрак сути билан боқиши амалиётини баҳоланг.
- Бирламчи ташрифда аниқланган барча овқатланишдаги муаммолар ҳақида онадан сўранг. Онадан қай даражада тавсияларга риоя қилганлигини сўранг ва бу маслаҳатларни бажаришда она қандай муаммоларга дуч келганлиги ҳақида савол беринг.

Масалан, Сиз онага болага сув ёки шарбатларни беришни, шиша чадан фойдаланишни тўхтатиб, кўпроқ ва узокроқ эмизишни маслаҳат берган эдингиз. Онанинг боласини кун давомида неча марта эмизаётганини, шиша чадан фойдаланишни ва сув, шарбатларни бермаётганини билиш учун баҳоланг. Сўнгра унга маслаҳат беринг, керак бўлса мақтанг ва қўллаб-куватланг.

- Агар **овқатлантиришда бошқа муаммолар бўлмаса**, онани мақтанг ва овқатлантиришни худди шу тариқа давом эттиришини тавсия қилинг.
- **Овқатлантиришдаги янги муаммолар ва давом этиб келаётган муаммолар** бўйича онага маслаҳат беринг. ГҮДАК схемасидаги «Онага овқатланиш муаммолари бўйича маслаҳат беринг» жадвалидан, МАСЛАҲАТ БЕРИНГ схемасидан ва «Кўкрак сути билан овқатлантиришда тўғри кўкрак олди ҳолати ва тўғри кўкракка тутишга онани ўргатинг» жадвалидан фойдаланинг.

- Агар, онага **овқатлантиришни бутунлай ўзгартеришни** маслаҳат берәтган бўлсангиз, онадан гўдак билан яна келишни сўранг.
- Агар **гўдакнинг ёши учун вазни кам бўлса**, онадан бирламчи ташрифдан сўнг 14 кундан кейин қайта келишини илтимос қилинг. Ташриф пайтида гўдакнинг вазнини яна бир бор баҳоланг. Катта ёшдаги болалардан фарқли, гўдакларнинг вазнини текшириш учун қайта ташриф эртароқ белгиланади. Бу холат гўдакларнинг тез ўсиши кераклиги билан тушунтирилади, ва агар вазнига қўшилмаса, хавф гурухига киритилади.

**Истисно:** Агар, Сиз овқатлантириш яхшиланишига ишончингиз комил бўлмаса, ёки гўдак вазн йўқотган бўлса, уни касалхонагага юборинг.

#### 4.5. ВАЗНИ ЁШИ УЧУН КАМ БЎЛГАНДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ

ГЎДАК схемасидаги *КЕЙИНГИ КУЗАТУВ* бўлимида келтирилган КАМВАЗНЛИК рамкасига қаранг.

КАМВАЗНЛИК таснифи билан гўдак 14 кундан кейин кейинги кузатувга келганда қўйидаги тавсияларга амал қилинг:

- Гўдакни тортиб кўринг ва аниқланг, гўдакнинг вазни ёшига нисбатан камлиги сақланиб қолганми?
- Овқатлантиришни қайта баҳоланг. «Овқатлантириш муаммолари ёки камвазнлик бор-йўклигини текшириб кўринг» баҳолаш жадвалидан фойдаланинг. Агар бола кўкрак сути билан овқатлантирилаётган бўлса, кўкрак билан эмизишни баҳоланг.

**Даволаш:**

- Агар **гўдакнинг вазни энди ёши учун кам бўлмай қолган** бўлса, онани гўдакни тўғри овқатлантираётгани учун мақтанг. Онани гўдакни худди шу тарзда ёки овқатлантиришни яхшилаш учун қўшимча тавсияларни эътиборга олган ҳолда овқатлантиришни давом эттиришини илтимос қилинг.
- Агар гўдакда камвазнлик ҳали ҳам сақланиб қолган бўлса, лекин овқатлантиришда муаммолар **бўлмаса**, онани мақтанг. Онага боланинг вазнини яна 14 кундан сўнг ёки кейинги эмлашга келганда (қайсиниси эртароқ бўлса) вазнини қайта ўлчаш кераклигини айтинг. Гўдакнинг яхши овқатланаётганлигини ва вазни кам бўлган кўпгина гўдаклар кейинчалик ҳам вазни ёши учун кам бўлиб қолиши мумкин, лекин овқатланишда муаммолар бўлмаса, уларнинг вазни ортиб боради.
- Агар гўдакда **камвазнлик ва овқатланишда муаммолари сақланиб қолган** бўлса, онага овқатлантириш бўйича маслаҳат беринг. Онадан 14 кундан кейин ёки кейинги эмлаш учун 14 кун ичида келиш керак бўлса, қайта келишини илтимос қилинг. Боланинг овқатланиши меъёрида бўлмагунча ва вазни ортиб бормагунча бир неча ҳафта ичида кузатиб боришни давом эттиринг.

#### **4.6. ОФИЗ ОҚАРМАСИДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ**


*ГҮДАК* схемасидаги *КЕЙИНГИ КУЗАТУВ* бўлимида келтирилган ОФИЗ ОҚАРМАСИ рамкасига қаранг.

ОФИЗ ОҚАРМАСИ таснифи билан гўдак 2 кундан кейин кейинги кузатувга келганда қўйидаги тавсияларга амал қилинг:

- Оғиздаги яралар ёки оқ доғларни изланг (молочница).
- Овқатлантиришни қайта баҳоланг. Сўнгра “Овқатлантириш муаммолари ёки камвазнлик бор-йўқлигини текшириб кўринг» бўлимига қаранг. Гўдак эмизиб боқиладиган бўлса, кўкрак билан эмизишни баҳоланг.

**Даволаш:**

- Агар болада **оқарма кучайган ёки кўкракка тутишда ёки эмишида муаммолар бўлса**, уни касалхонага юборинг.
- Агар **оқарма ўзгармай турган ёки камайган ва бола одатдагича овқатланаётган бўлса**, ярмига сув қўшиб суюлтирилган генцианвиолет билан яна 5 кун даволашни давом эттиринг.



## МАШҚИ

Хар бир қайта кўрикка олиб келинган гўдак ҳақидаги вазиятни ўқиб чиқинг ва саволлар беринг. Керак бўлса, ГЎДАК схемасидан фойдаланинг.

Махаллий бактериал инфекцияда амоксициллин дори воситасини ишлатинг.

1. Хилола 1 хафталик. Тиббий ходим унга МАҲАЛЛИЙ БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯ тасниfinи кўйди, чунки унда думба соҳасида кўп бўлмаган тери йирингчалари бор. Она уй шариоитида даволаш учун амоксициллин таблеткасини олди ва уйда терини қандай тозалаш ва генцианвиолет билан қандай артиш бўйича ўргатилди. У қайта кўрик учун 2 кундан сўнг келди. Хилолада янги муаммолар йўқ.

а) Сиз Хилолани қайта баҳолашни қандай олиб борасиз?

Гўдакнинг думба соҳасини кўздан кечирганингизда, Сиз йирингчалар ва қизириш камайганлигини кўрасиз.

б) Хилолага қандай даво белгилайсиз?

2. Амир 5 ҳафталик. Уни тиббиёт масканига 2 кун олдин кўрик учун олиб келишган. Ташириф пайтида болага ОВҚАТЛАНИШДА МУАММО таснифи қўйилди, чунки у кўкракка нотўғри тутилган эди. Амирнинг вазни 3,25 кг (ёши учун кам эмас). Бола кўкрак сути билан кунига 5 марта овқатлантирилаяпти. Унинг оғизда оғиз оқармаси бор. Онага 24 соат мобайнида эмизишни 8 марта гача кўпайтириш ва болани у неча марта хоҳласа, шунча, кундузи ва кечаси билан тез-тез эмизишни тавсия қилди. Она оғиз оқармасини уй шариоитида даволаш бўйича ўргатилди. Онани 2 кундан сўнг қайта кўрик учун келиши илтимос қилинди. Амирнинг онаси бугун болани қайта кўрик учун олиб келди. У болада янги муаммолар йўқлигини айтди.

a) Болани қайта баҳолашни қандай ўтказасиз?

Бугун Амирнинг вазни 3,35 кг. Гўдакни овқатланишини қайта баҳолаганингизда она болани овқатлантириш осонлашганини айтди. У болани кўкрак сути билан кунига 8 марта, талаб қилган пайтда ундан ҳам кўпроқ эмизади. Амир бошқа суюқлик ва овқат емайди. Сиз болани кўкракка тутишини илтимос қиласиз. Кўкракка тутилиши пайтида Сиз гўдакнинг ияги онанинг кўкрагига тегиб турганини кўрасиз. Оғзи катта очилган ва пастки лаби ташқарига қайрилган. Ареоланинг кўп қисми пастидан эмас, юқоридан кўриниб турибди. Бола самарали эмаяпди. Сиз боланинг оғзини кўрасиз: оқ оқарма йўқ.

б) Гўдакка қандай даво белгилайсиз?

Бу машқни бажариб бўланингиздан сўнг, жавобларингизни ўқитувчи билан мухокама қилиб олинг.

**1-ИЛОВА**  
**2 ОЙГАЧА БҮЛГАН КАСАЛ ГҮДАКНИ ОЛИБ БОРИШ**

Исми \_\_\_\_\_ Ёши \_\_\_\_\_ Вазни \_\_\_\_\_ кг Харорати \_\_\_\_\_ °С  
 СҮРӘБ КҮРИНГ: Болада қандай мұаммолар бор\_\_\_\_\_ Биринчи ташриф\_\_\_\_\_ Такорий ташриф\_\_\_\_\_  
**БАХОЛАНГ** (Бор симптомларни айланага олинг) **ТАСНИФЛАНГ**

<b>БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯ ЭХТИМОЛИНИ ИЗЛАБ КҮРИНГ</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>Гүдакни овқатлантиришда мұаммолар борми?</li> <li>Гүдакда шайтонлаш бўлдими?</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Минутдаги нафас сонини сананг. Минутига _____ та. Нафас тезлашган бўлса, қайта сананг _____ та. Нафас тезлашганми?</li> <li>Кўкрак кафасининг кучли тортилишини изланг.</li> <li>Қўлтик ости хароратини ўлчанг.             <ul style="list-style-type: none"> <li>- Исимта борлиги (<math>37,5^{\circ}\text{C}</math> даража ва ундан юкори)</li> <li>- Харорат пасайиб кеттани (<math>35,5^{\circ}\text{C}</math> даражадан пастлиги).</li> </ul> </li> <li>Киндикни кўздан кечиринг. Қизариши ёки йирингли ажралмалар борми?</li> <li>Теридағи йирингчаларни изланг.</li> <li>Гүдакнинг ҳаракатларини кўздан кечиринг. Гүдак ухлаётган бўлса, онасидан уни уйготишни илтимос килинг. Агар гўдак ҳаракат килмаса, секин таъсир кўрсатинг.             <ul style="list-style-type: none"> <li>- Таъсир кўрсатганда ҳаракат қиласидими?</li> <li>- Таъсир кўрсатишига қарамай ҳаракатсизми?</li> </ul> </li> </ul>
<b>СҮНГРА САРИҚЛИК БОРЛИГИНИ ТЕКШИРИНГ</b>	
Агар Сариклик бўлса, СҮРАНГ <ul style="list-style-type: none"> <li>Қачон биринчи марта сарғайиш пайдо бўлди?</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Сарғайиш борми (кўз оқлигининг ёки тери қопламларининг сарик ранги)?</li> <li>Қафтлар ва оёқ тагларининг сарғайиши борми?</li> </ul>
<b>ГҮДАКДА ДИАРЕЯ БОРМИ?</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>Қачондан буён? _____ кун</li> <li>Ахлатида қон борми?</li> </ul>	<p>Ха _____ Йўқ _____</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Умумий ахволига қаранг. Гўдак:             <ul style="list-style-type: none"> <li>- Ўзи мустакил ҳаракат қиласидими?</li> <li>- Таъсир кўрсатганда ҳаракат килиб, кейин ҳаракати тўхтаб қоладими?</li> <li>- Таъсир кўрсатишига қарамай ҳаракати йўқми?</li> <li>- Гўдак безовта ва бетоқатми?</li> </ul> </li> <li>Изланг, кўзлари киртайдиганми?</li> <li>Қорин териси бурмасининг реакциясини текширинг. Тери бурмаси:             <ul style="list-style-type: none"> <li>- Жуда секин (2 секунддан ортик) текисланади.</li> <li>- Секин (2 секундгача) текисланади.</li> </ul> </li> </ul>
<b>Агар гўдакни касалхонага юборишига хожат бўлмаса, ОВҚАТЛАНИШ МУАММОЛАРИ ЁКИ КАМВАЗНИЛК БОРМИ, ТЕКШИРИБ КҮРИНГ</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>Гўдак кўкракни эмадими? Ха _____ Йўқ _____ Шундай бўлса, 24 соатда неча марта _____?</li> <li>Гўдак бошқа овқат ёки суюқликлар олиб турдими? Ха _____ Йўқ _____</li> <li>Агар олса, неча марта? _____</li> <li>Гўдакни овқатлантиришда Сиз нимадан фойдаланасиз? _____</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Вазнининг ёшга мослигини аникланг.</li> <li>Оғиздаги яраларни ёки ок карашларни изланг.</li> </ul>
<b>Агар гўдакда зудлик билан касалхонага юборишини тақозо этадиган бошқа сабаблар бўлмаса:</b>	
<p>УНИНГ ҚАЙ ТАРИҚА ЭМИЗИЛИШИНИ БАХОЛАНГ:          Гўдак сўнгти бир соат давомида кўкрак эмғанми?</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Агар гўдак сўнгти бир соат давомида кўкрак эммаган бўлса, 24 соатда неча марта _____? Ха _____ Йўқ _____</li> </ul>	
<p>БОЛАНИНГ КЎКРАККА ҚАНДАЙ ТУТИЛИШНИ ТЕКШИРИШ УЧУН МАНА БУЛАРНИ ҚАРАБ КҮРИНГ:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-Болалинг ияги онанинг кўкрагига тегиб турибдими? Ха _____ Йўқ _____ -Оғзи катта очилганми? Ха _____ Йўқ _____</li> <li>-Пастки лаби ташкарига кайрилганми? Ха _____ Йўқ _____</li> <li>-Ареоланинг кўп қисми бола оғзининг пастидан эмас, устидан кўринадими? Ха _____ Йўқ _____</li> </ul>	
<p>кўкракка умуман тутилмаган      ёмон тутилган      яхши тутилган</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Гўдак кўкракни яхши эмадими (яъни тўхтаб-тўхтаб, секингина чукур-чукур сўриш ҳаракатларини қиласидими)?</li> </ul>	
<p>умуман эммайди      яхши эммайди      яхши эмади</p>	
<b>ГҮДАКНИНГ ЭМЛАНГАНЛИК ХОЛАТИНИ ТЕКШИРИНГ</b> Бугун эмланиши керак бўлган вакциналар, айланага олинг	
<p>ВГВ-1      БЦЖ-1      ОПВ-0</p>	
<b>БОШҚА МУАММОЛАРНИ БАХОЛАНГ</b> <b>ОНАНИНГ САЛОМАТЛИГИ ҲАҚИДА СҮРАНГ</b>	
Кейинги эмлашга келиш вақти (санаси)	

Даволанг

**Кейинги ташриф \_\_\_\_ кундан кейин**

Қандай пайтда дархол яна келиш кераклигини онага түшүнтириб беринг.

**Бугунги зарур эмлаш ишларини бажаринг** \_\_\_\_\_

## **Овқатланиш муаммолари бўйича маслаҳат беринг**

## 2 - ИЛОВА

### КАСАЛХОНАГА ЁТҚИЗИШНИНГ ИМКОНИ БЎЛМАСА

ЎТА ОФИР КАСАЛЛИГИ бўлган гўдак учун энг тўғри даво касалхонада кўрсатилади.

Баъзида касалхонага юбориш имкони бўлмайди ёки тавсия этилмайди. Касалхонагача бўлган масофа жуда узоқ бўлиши мумкин; шифохонада гўдакни парвариш қилиш учун керакли текшириш жиҳозлари ёки маҳсус ходим бўлмаслиги мумкин; транспорт йўқ бўлиши мумкин. Баъзан тиббиёт ходимининг касалхонага юбориш учун уринишларига қарамасдан ота-оналар гўдакни шифохонага олиб боришдан бош тортишади.

Касалхонага ётқизиш имкони бўлмаганида гўдакни парвариш қилишни оила аъзоларига ўргатиш учун бор имкониятни қўллаш лозим. Касалхонага ётқизиш имкони бўлмаган оғир болалар орасида ўлимни камайтириш учун, балким, бизга болани жойлаштириш ва кунига бир неча бор кузатиш мумкин бўлган жойда пост ташкил этиш лозим. Агар бунинг ҳам имкони бўлмаса, уйга бориш кўригини ташкиллаштиринг.

Ушбу иловада bemor гўдакни касалхонага ётқизиш имкони бўлмаганида, оғир касалликларинг маҳсус таснифи учун керакли давоси ёритилган.

ЎТА ОФИР КАСАЛЛИГИ бўлган гўдак учун энг оптималь давоси фақат маҳсус ўқитилган ходими бор, керакли жиҳозлар билан таъминланган касалхонадагина мумкин бўлса ҳам, қўйида келтирилган тавсиялар касалхонада даволаш имкони бўлмаган ҳолатларда болалар орасида ўлимни камайтиришга ёрдам бериши мумкин.

### ЎТА ОФИР КАСАЛЛИКДА асосий парваришлаш

Бундай гўдакда пневмония, сепсис ёки менингит, ёки вақтидан олдин туғиши асоратлари, ёки асфиксия (димиқиши) бўлиши мумкин.

#### 1. АМПИЦИЛЛИН ВА ГЕНТАМИЦИННИ МУШАК ОРАСИГА ЮБОРИНГ

- Менингитга гумон бўлганда (кўрик пайтида шайтонлаш ва хушдан кетишга асосланган холда) 14 кун давомида даволанг.
- Агар менингитга тахмин бўлмаса, 5 кундан кам даволаманг. Давони бола ўзини ҳеч бўлмаганда 3 кун давомида яхши ҳис қилмагунича давом эттиринг.
- Агар гўдакнинг ёши 1 ҳафтадан кам бўлса, ампициллинни мушак орасига кунига 2 марта, гўдакнинг ёши 1 ҳафта ва ундан катта бўлса кунига 3 марта юборинг. «Антибактериал препаратнинг биринчи дозасини мушак орасига юборинг» жадвалда турли вазн учун ампициллинни мушак орасига юбориш дозаси кўрсатилган (пастроқка қаранг).

Гентамицинни кунига бир марта мушак орасига юборинг. «Антибактериал препаратнинг биринчи дозасини мушак орасига юборинг» жадвалда кўрсатилганидек дорининг дозаси гўдакнинг ёши ва вазнига боғлиқ эканлигига эътибор беринг (пастроқка қаранг). Ампициллин ва гентамицин учун турли шприцлар ишлатинг. Ампициллин ва гентамицинни битта шприцда аралаштириб бўлмайди.

Ампициллинни мушак орасига кунига 2-3 марта юборишнинг иложиси бўлмаса, ва гўдак дори воситасини оғиз орқали ича олса, амоксициллинни оғиз орқали беринг.

Гўдакнинг ахволи сезиларли яхшиланганда, мушак орасига юбориладиган ампициллинни оғиз орқали амоксициллинга алмаширинг. Гентамицинни мушак орасига юборишни то минимал даво ўтказилмагунча давом эттиринг.

## **2. Гўдакни иссиқ тутинг, ушбу модулда кўрсатиб ўтилганидек.**

### **3. Эҳтиёткорлик билан суюқликлар беринг**

Она гўдакни кўкрак билан тез-тез эмизиши керак.

Агар гўдакда нафас қийинлашган бўлса ёки касаллиги туфайли кўкракни эма олмаса, онага кўкрак сутини соғишига ёрдам беринг. Гўдакни соғилган кўкрак сути билан пиёладан (агар юта олса) ёки назогастрал зонд орқали (НЗ) кунига 8 марта овқатлантиринг. Агар боланинг ёши 4 кунликдан катта бўлса, уни ҳар овқатлантирганда 1 кг вазнига 15 мл кўкрак сути беринг. Қуйида келтирилган жадвалда кўрсатилганидек, бола ҳаётининг биринчи уч кунида камроқ микдорда беринг.

	1-кун	2-кун	3-кун	4-кун ва ундан юкори
Агар овқатлантириш кунига 8 марта бўлса, тавсия этиладиган суюқликлар/бир овқатлантиришда (мл/кг/ бир овқатлантиришда)	7,5	10	12,5	15

Агар она кўкрак сутини соға олмаса, она сути ўрнини босувчи аралашма тайёрланг ва юкорида кўрсатилган микдорда беринг.

## **4. Гипогликемиянинг олдини олинг, ушбу модулда кўрсатиб ўтилганидек.**